

Мамлакатда кечаётган ўзгаришларни, янгиларни халққа етказиб беришда журналистларга катта масъулият юкланади. 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамларини нишонлайдилар.

6 бет

Гийёҳвандлик гирдобга ўхшайди. Гирдоб чангалига тушган кимса гир-гир айланиб, ўз мувозанатини йўқотади. Гийёҳвандлик бало-си ҳам унга мубатало бўлган инсонни инон-ихтиёридан айиради, ўпқон сингари ўз домига тортиб кетади.

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўзбекистон

1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 23-iyun, №25 (754)

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Самарқанд шаҳри. Регистон майдони

Халқ манфаатларини кўзлаб

Ўтаётган ҳар бир кун бизни истиқлолнинг йигирма йиллиги байрамига тобора яқинлаштирмоқда. Айни лаҳзаларда барчамизнинг кўнглимизда тараққиётга юз бурган Ватанимиздан фахрлиниш туйғуси кечаётгани аниқ. Негаким, атрофимизда бўлаётган ҳар бир ижобий ўзгариш айнан истиқлол туйғулари эканлигини унутмаслигимиз лозим. Мустиқлик йилларида кўҳна ва ҳақиқат навқирон Самарқанд янада чирой очди. Ҳа, ҳеч муболағасиз, шаҳар янада яшариб кўркаллашиб кетди. Тарихий обидалар қайта таъмирланди ва янгидан-янги бино-иншоотлар қад ростлади. Самарқанд яна дунё сайёҳларини ўз мафтункорлиги билан жалб эта бошлади. "Шоҳи Зинда", "Гўри Амир", "Регистон" каби муқаддас обидалар атрофида ҳар кун юзлаб сайёҳларни учратиб бўлган.

Шаҳарнинг мажозий дарвозалари бўлмиш — Самарқанд аэропорти ва Самарқанд темирйўл вокзали бутунлай янги қиёфа акс этди. Мирзо Улуғбек, Бўстонсарой, Беруний кўчаларида олиб борилган кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари шаҳарга ўзгача чирой бағишлади. Салобатли бинолар, кенг ва раво кўчаларни кўриб, кўз қувнайди. "Регистон" майдонига туташ "Йулбарслар хибони" нафақат шахримиз аҳолиси, балки меҳмонларимизнинг ҳам сеvimли масканига айланди улғурди.

Саноатда, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда, таълим, маданият ва спорт соҳаларида, қўйингки, халқ ҳўжалигининг барча жабхаларида Самарқанд вилояти Республикада алоҳида салоҳиятга эга. Албатта, кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари энг аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай ижобий ишларнинг амалга оширилишида прокуратура органларининг ҳам ҳиссаси борлиги қувонарли ҳолдир.

Вилоятда қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура ходимлари олиб бораётган самарали фаолият ишлар кўламининг нақадар кенглигидан далolat беради. Шу ўринда қилинган ишларимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида асосий эътибор тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиниши, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши, қишлоқ жойларида ичимлик суви, электр энергияси ҳамда табиий газ билан таъминлаш, қишлоқ жойларида янги намунавий уй-жойлар қуриш каби қонунлар ижросига қаратилди. Текшириш ва назорат тадбирлари давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 4748 та прокурор назорати ҳужжатлари билан баргараф этилди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 113 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 723 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бугунги кунда вилоятда 42

Облакул АЗИМОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

минг 326 та ҳўжалик юритувчи субъектлар, шундан 183 та қўшма корхоналар, 7 минг 723 та фермер ҳўжаликлари, 15 минг 115 та кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг ҳуқуқий ҳимоясига жиддий эътибор қаратилиб, ўтказилган текширишларда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Айбдор шахсларга нисбатан прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди, 4 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Жумладан, Пайарик туман давлат солиқ инспекциясида ўтказилган текширишда, ДСИ-нинг "Ҳисобга олиш ва таҳлил" бўлими катта инспектори Ш.Ҳолмиразев солиқ тўловларидан қарздорлиги бўлмаган "Нодирбек-РВТ" хусусий фирмасидан 293 минг сўм, "Эшим-оқсоқ мрамари" хусусий корхонасидан 370 минг сўм ва "Зеҳн минбери НН" хусусий фирмасидан 50 минг сўм ортиқча солиқ суммаларини инкасса талабномаси орқали ундириб олган.

Туман прокуратураси томонидан Ш.Ҳолмиразевга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, ноконуний ундирилган маблағ қайтарилди.

[Давоми 4-бетда]

Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғли демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасининг эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокнинг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.

Ислом КАРИМОВ

Халқ ишончи — юксак масъулият

Светлана ОРТИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

Маҳалла азалдан ўзбек давлатчилиги тизимида муҳим ўрин эгаллаб келгани ҳеч кимга сир эмас. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бугунги жамият ҳаётини маҳалла институтисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек давлатчилигида мазкур ижтимоий институтга қаратилаётган эътибор юртимизда амалга оширилаётган "Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, мамлакатимизни янгилаш ва демократлаштириш, фуқароларнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда қучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёни шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2011 йил 31 март куни "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ 2011 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови бўлиб ўтмоқда.

Мазкур сиёсий тадбирни фаол ўтказиш ишлари яқуний паллага кирган. Шуни тан олиб айтиш керакики, бугунги сайловлар олдингиларидан бирмунча юқори савияда ўтаётганлиги, яъни мамлакатимизда бўлаётган демократик ўзгаришлар таъсири остида сифат жиҳатдан анча юқори даражада қўтарилгани кўринмоқда.

Ҳозирги кунда маҳалла илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатига кирган ижтимоий-иқтисодий хусусиятдаги 30 дан ортиқ вазифани бажармоқда. Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳўжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳўқуқига эга.

Бундан ташқари, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар режасини белгиланган тартибда тасдиқлайди. Шу билан бирга, маҳалла институти давлатимизнинг аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатининг муҳим бўғинларидан ҳисобланиши жараёнида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланишини таъминлайди.

2011 йилда 9973 нафар фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва уларнинг 98 минг нафардан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, юксак таъкилий-ҳуқуқий ҳамада демократик даражада тайёрлаш ва ўтказиш, шунингдек, маҳалла бошқарув органларини шакллантиришда фуқароларнинг фаол иштирок этиши учун шароитлар яратиш мақсадида мазкур масалага фўят муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қаралмоқда.

[Давоми 3-бетда]

Имкониятлар кенгаймоқда

Муборак НАЖМИТДИНОВА,
Қаршайб ХАЙТАЛИЕВ,

Ўзбекистон транспорт прокурорининг катта ёрдамчилари

Истиқлол йилларида юрт равнақи, эл фаровонлигини кўзлаб юритилётган ишчи-ислохотлар шубҳасиз барча соҳаларни кенг қамраб олган. Ҳукуматимиз томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида биргина "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК тизимида улкан ўзгаришлар юз берди. Бугун темир йўлларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ аҳолига сифатли темир йўл хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Қолаверса, мустақиллик йилларида қўлаб тежорар поездлар, жумладан, "Регистон", "Насаф" ва "Шарқ" поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Президентимиз Ислам Каримов Испанияга қилган ташири чоғида тежорар темир йўл поездлари ҳаракатини ташкил этиш тўғрисидаги битимга қўлини қўйди. Ушбу битим асосида 2010 йил 5 январь кўни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иккита йўловчи ташувчи тежорар ТАЛҒО-250 электропоездини сотиб олиш" лойиҳасини амалга ошириш чоралари тўғрисидаги 1255-сонли Қарори қабул қилинди.

Лойиҳада йўловчиларнинг йўлдаги вақтларини қисқартириш ва юқори сифатли йўловчи ташушнинг амалга ошириш, келажакда темир йўлларда туристик қатновларни ривожлантириш, йўловчиларга сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш каби мақсадлар мўҳассамидир. Ҳозирда Испаниянинг "ТА-ТЕНТЕС ТАЛҒО С.Л." компаниясида ишлаб чиқарилган "ТАЛҒО-250" русумли иккита тежорар "Афросиёб" номли электропоездини "Тошкент-Самарқанд" йўналишида ишга тушириш кўзда тутилмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК ва "ТА-ТЕНТЕС ТАЛҒО С.Л." компанияси ўртасида имзоланган шартномага кўра, поезди қиймати 38 млн. евроини ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" поезди лойиҳаси дунё миқёсида еттинчи ўринда туриши билан ажралиб туради. Электропоезд 2 томонлама локомотивлар, 1 та ресторон вағони, 8 та йўловчи вагонларидан иборат бўлади. Шу билан бирга, йўловчи сифими 215 кишини, тезлиги 250 км. соатни ташкил этишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда "Афросиёб" электропоездини "Тошкент-Самарқанд" йўналишидаги қатнови йўлга қўйилиши муносабати билан кенг қўламли чоралар билан амалга ошириб келинмоқда. Яъни, юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар учун темир йўллари капитал таъмирлаш, "Тошкент-Самарқанд" йўналиши бўйича темир йўл транспорти ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида темир йўлнинг муҳофиза зоналари белгиланиб, темир йўлнинг иккита томонига темир-бетон деворлар ва панжаралар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, темир йўлга яқин қўрилган уйлар, омборлар ва бошқа қўрилмаларни габарит масофага мослаштириш, аҳолининг темир йўлларини кесиб ўтишлари учун алоҳида ўтиш жойлари ташкил этилмоқда. Бу албатта, темир йўлда ҳаракат хавфсизлигини ҳамда темир йўл яқинида яшовчи аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган билан аҳамиятлидир. Чунки, мазкур тежорар поезди 250 км. соат тезликда юрган вақтида катта шомол пайдо

бўлиб, махсус тўсиқларсиз аҳолига ва темир йўл яқинида қўрилган қўрилмаларга катта хавф-хатар туғдириши мумкин. Бундан ташқари, поезд юқори тезликда ҳаракатланиши сабабли, поезднинг фақат-уллода тўхташ масофаси 1500-2000 метрни ташкил этади. Шу боис, поезд ҳаракатланаётганда темир йўлга чиқиб ёки темир йўлнинг муҳофиза зонасига ўтиш инсон ҳаёти ва унинг хавфсизлиги учун хавфли ҳисобланади.

Ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон транспорт прокуратураси органлари вакиллари "Тошкент-Самарқанд" йўналишида темир йўл ҳодимларининг йўловчилар ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга ошираётган ишларини жойларга чиқиб доимий назорат қилмоқдалар. Шу билан бирга яқин жойлашган ўқув юртлари, ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли ўртасида кенг қўламли тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Бунда Ўзбекистон транспорт прокуратураси ҳодимлари ва жойлардаги маъсул идоралар вакиллари иштирок этмоқдалар.

Хусусан, Гулистон Аҳборот технологиялари колледжиде ва Сирдарё тумани табиёт биришмасида ўтказилган тарғибот тадбири ҳам шу мақсадда ташкил этилди. Бунда Ўзбекистон транспорт прокуратураси, темир йўллар, ИИБ маъсул ҳодимлари ва коллеж ўқувчилари иштирок этишди. Маърузачилар "Афросиёб" электропоездини "Тошкент-Самарқанд" йўналишидаги қатновининг ишга туширилиши муносабати билан қаратилиши лозим бўлган барча талаблар ҳуусида батафсил маълумотлар беришди.

Ўтказилган тадбирларда темир йўл муҳофиза зоналарида чорва молларини боқиб, ҳайдаб ўтиш, темир йўл изларида поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ашёларни қўйиб, иккита томонига ўрнатишган темир-бетон деворлар ва панжараларнинг бут сакланишини таъминлаш, йўл ҳаракатини тарғиботга солиб турувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларига фуқаролар томонидан шикаст етказилишининг олдини олиш, аҳолининг ёш болаларини қаровсиз қолдириши, темир йўллар учун ажратилган жойларда темир йўл органлари билан келишмай туриб, ерни ҳайдаш, ўт ўриш, дараклар кесиб, тупроқ олиш, қанализация, санит, мелиорация сувларини ва оқова сувларини қочиб қўлишлари, темир йўл излари ва темир йўл бетларига бегона шахсларнинг асосиз ва бемақсад юришишлари, фуқароларнинг темир йўл изларида белгиланмаган жойдан ўтишларининг олдини олиш чораларини кўриш каби қатор зарурий талаблар ҳуусида маърузалар қилинди.

Бундан ташқари, тадбирларда юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" поездини ишга тушириш ишларини бажариш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида темир йўл ташкилотлари ва ҳуқуқий муҳофиза қўқули идоралар ҳодимларининг вазифаси, балки бутун жамоатчиликнинг ҳам бурчи бўлмоғи лозимлиги қайд этилди.

Амалий ёрдам кўрсатилмоқда

Жамшид АБДУЛЛАЕВ,

Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Хар қандай меҳнат қадрланиши, рағбатлантирилиши лозим. Бу масала ҳукуматимиз томонидан ҳам алоҳида назоратга олинган бўлиб, бу борада тегишли кўрсатмалар ишлаб чиқилган ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳам шулар жумласидандир. Шундай бўлса-да, айрим корхона раҳбарлари ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан, биринчи даражада тўловлар учун ажратилган маблағларни ўз вақтида тўлаш чораларини қўрмаганликлари, бу ҳолатлар эса, қатор дилчиликлар-у қўғилмасликларга сабаб бўлаётганлиги сир эмас. Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан юқорида қайд этилган қарорнинг ижроси бўйича ўтказилган текширишларда шу каби қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

Мисолларга мурожаат қилсак: бир тўғрў ишчилар Термиз шаҳридаги "Сурхон қўшман обод" агрофирмаси билан оғзаки келишувга кўра, Термиз туманидаги "Сотибод" маҳалласида жойлашган Аэропорт ҳудудини қўқамлаштириш учун ерларни текислашга жалб этилдилар. Бунинг учун уларга 485 минг сўм иш ҳақи ваъда қилиниб, шундан 110 минг сўм бунга сифатда тўланган. Икки вақтида бажарилган бўлса-да, пулнинг қолганини тўлаш пайсалга солинди. Туман прокуратурасининг аралашуви билан ишчиларнинг 375 минг сўм иш ҳақлари ундириб берилиди.

С.Умаров ва бошқалар бўлса, Ангор туманида фаолият юритаётган "Тўлаган Ангор" ҳусусий корхонаси бошлиғи С.Холтўраев билан 3 млн. 751 минг сўм эвазига Қизилқиз туманидаги мактабда таъмирлаш ишларини олиб бориш юзасидан оғзаки келишув тузилган. Бироқ, текширув кўнига қалар ишчиларга иш ҳақлари тўланмаган. Прокуратуранинг аралашуви билан ишчиларнинг иш ҳақлари ундирилиб, корхона бошлиғи С.Холтўраевга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шеробод туманидаги "В.Қодиров мўҳандис технокор" муқобил машина трактор парки томонидан 2011 йилнинг 1 май ҳолатига 22 нафар ишчи ва хизматчиларнинг 12 млн. 553 минг сўм иш ҳақларини тўлаш чоралари қўрилмаган бўлса, Саросиё туманидаги йўл ҳўқалиги пудрат таъмирлаш корхонаси мутасаддилари 2010 йилнинг ноябрь ва декабрь, жорий йилнинг январь ҳамда февраль ойлари учун 11 нафар ишчи-хизматчининг 11 млн. 400 минг сўмлик иш ҳақларини тўлашмаган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан туман прокуратуралари томонидан судларга иш ҳақларини ундириб бериш ҳақида аризалар киритилиб, айбдорларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган.

Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан ушбу йўналишда ўтказилган текшириш ва таҳлиллар натижасида қўқам, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 2 та тақдирнома киритилган. Прокурорнинг тақдирномаси ва қарори билан 14 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 17 та жиноят иши қўзғатилган. Судларга 437 млн. 814,7 минг сўмни ундириш ҳақида 805 та аризалар киритилиб, 645 нафар фуқаронинг бузишган ҳуқуқлари тикланган.

Хизмат бурчини унутганлар

Республика Президентининг тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида мунтазам иш олиб боришмоқда. Ҳозимлик, ҳуқуқий муҳофиза қилувчи органлар, назорат идоралари ва муассасалари томонидан тадбиркорларнинг муаммолари ўрганилиб, ечимини топиш чоралари қўрилмоқда. Тадбиркорларга иш бошлаш ва ишчи кенгайтиришга, яъни иш ўринлари яратишга кредит, қўриш учун ер майдони ажратишга сансалорликларга чек қўйилмоқда. Вилоятда савдо-хизмат кўрсатиш билан бирга ишлаб чиқариш жадвал суратларда ривожланимоқда. Шунинг баробарида янги иш ўринлари яратилиб, меҳнат ва бандлик муаммоси ҳам ўз ечимини топтомоқда.

Жойларда ташкил этилаётган урашулар, мулоқотлар мобайнида тадбиркорларга муаммоларни ҳал этишда ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилаётти. Хусусан, Марғилон шаҳридаги "Фар Қувр Пласт" МҲЖ раҳбари Р.Алиев кредит ололмаётганини айтиб, ёрдам сўради. Кредит ҳўжатлари тўлиқ расмийлаштирилиб, банкка тақдим этилди. Шу тарихда тадбиркорга дасттоҳ харид

қилиши ва айланма маблағларини тўлидири олиши учун 85 млн. сўм кредит ажратилди. Вилоят прокурори ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтган йили жойларда ўтказилган ана шундай учрашуларда бу йилнинг беш ойи мобайнида 300 нафардан зиёд тадбиркорга кредит ва ер майдони ажратилиши, русхатнома ва бошқа ҳўжатлар расмийлаштирилиши борасида ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Тадбиркорларнинг ёзма мурожаатлари ҳам синчиклаб ўрганилмоқда. Маъсул мансабдор шахслар тадбиркорларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда қўриб чиқмаган ҳолатлар бот-бот учрамоқда. Хусусан, "Урмонобод" фермер ҳўжалигининг раҳбари М.Отажонов бошқоқти донни қайта ишлаш цехини қўқмоқчи бўлган. Бўш турган ерда қўрилишини бошлаш учун рухсат сўраб Ўзбекистон тумани ҳўқимига ариза ёзган. Ушбу масалани қўриб чиқиш учун туман ҳўқимининг ўринбосари О.Уматов ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ю.Ибрагимовга топширилган. Орадан икки ой ўтса-да, асоссиз равишда ер ажратиб масаласи ҳал қилинмаган. Ҳўқим ўринбосари "Мўқимжон ҳўжи ота" фермер ҳўжалиғи раҳбари

И.Мўқимжоновнинг кредит маблағи ажратилишига амалий ёрдам сўраб ёзган аризасини ҳам икки ойдан зиёд ушлаб турган. Бевосита хизмат бурчини панжа орасидан қараган О.Уматов маъмурий жавобгарликка тортиди. Фермер ҳўжаликларига ер майдонини ва кредит ажратиб берилди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган тадбирлар ўз самарасини бериб, ишчи тўхта қолган тадбиркорларнинг фаолиятлари қайта тикланмоқда. Прокуратура аралашуви билан "Обод Қўқон саяилгоҳи" МҲЖ, Бағдод туманидаги 14 нафар, Тошлоқ туманидаги 3 нафар, Сўх туманидаги 7 нафар тадбиркорларнинг фаолиятлари қайта изга солинди, янги иш ўринлари яратилди. Фарғона шаҳар прокуратураси ўтказган таҳлиллар асосида қўрилган чоралар билан 20 та тадбиркорлик субъектларининг фаолиятлари қайта тикланиши таъминланди.

Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Тадбиркорларнинг поймол этилган ҳуқуқлари тикланди.

Тадбиркорларнинг ўз бизнесларини ривожлантиришлари учун ҳўқумат томонидан берилган молиявий-ҳўқуқий кафо-

Тоҳирхон ШЕРКУЛОВА,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

латлардан фойдаланишларига тўқсиндик қилиниши, нўқонуний текшириш ҳолатларини аниқлаш мақсадида шаҳар-туман прокуратураларига ўрнатишган "007" рақамли ишонч телефонлари доимий фаолият кўрсатмоқда. Утган йил мобайнида ишонч телефонларида 59 та, жорий йилнинг беш ойида эса 110 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улар қонуний ҳал этилди. Хусусан, "Меркурий этанкис" ҳусусий корхонасининг раҳбари Б.Қаландаров, "Фар Евро Дизайн" фирмасининг раҳбари Б.Иралиевларнинг мурожаатлари асосида тадбиркорлик фаолиятларини тиклашларига кўмак берилди. Худди шунингдек, Тошлоқ туман прокуратураси ёрдамида ҳусусий тадбиркорлардан икки нафари — М.Қодиров ва Ш.Маматовлар ўз фаолиятларини қайта тикланган. Қўштепа туман прокуратураси аралашуви билан 4 нафар тадбиркорнинг фаолият бошлашларига амалий ёрдам кўрсатилиб, уларга иш ўринлари яратилган.

Қўқон шаҳар прокуратураси "Ишонч телефон"га аяка тартибдаги тадбиркор Б.Мадалиевнинг

шаҳар ДСИ инспектори А.Ҳайдаровнинг нўқонуний ҳайдар-ҳаракатлари устидан мурожаати ўрганилди. Инспектор тадбиркордан ундириб олинган даромад солиғи ва пенсия жағғармаси тўловларини тегишли тартибда қирим қилдирмасдан муайян қисмини ўзи ишлабтиб юбориши оқибатида тадбиркор Б.Мадалиевга солиқ ва бошқа тўловлардан 2,1 млн. сўмлик қардорлик ву-жудга келган. Тадбиркор манфаатига жиддий зиён етказган ДСИ ҳодимига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шу йилнинг ўтган даврида прокуратура органлари томонидан ўтказилган тадбирларда тадбиркорларга мўҳандислик коммуникацияларига уланиш, қаларини ундириб бериш ва бошқа турли муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада, 411 та янги иш ўринлари яратилди.

Айни чоғда меҳнат ва бандлик муаммоси ҳам ўз ечимини топтомоқда. Прокуратура органлари ташаббуси билан ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларида юзлаб фуқаролар доимий ишга жойлаштириш имкониятидан фойдаланишмоқда. Чўнон-чи, Қўқон шаҳар прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган ярмаркаларда қатнашган салкам 1800 нафар фуқаронинг 600 нафари ишга йўналмаслар олишди. Вилоят прокуратураси органлари тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳўқимосини таъминлаш борасида мунтазам иш олиб бормоқда.

Халқ ишончи — юксак масъулият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини юқори савияда ва уюшқоқлик билан ўтказиш борасидаги барча чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2011 йил 31 март кунги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳақида ўтказишга доир тадбирлар дастурига мувофиқ тарзда амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳақида ўтказишга қўмаклашувчи комиссияси айна пайтда ўз олдига қўйилган асосий вазифаларидан келиб чиқиб:

— бўлажак сайловга тайёргар-

лик қўриш ҳамда сайловни ўтказишни амалдаги қонун ҳужжатларига, очиқ ва ошкоралик, демократия принципларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил этиш, энг муносиб, масъулиятли ва ҳурматли, ишга ҳалол муносабатда бўладиган, катта ҳаётий тажрибага, одамлар билан ишлаш ва мулоқот қилишнинг амалий кўникмаларига эга бўлган фуқароларнинг фуқаро йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланишини таъминлаш;

— Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан тузиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳақида ўтказишга қўмаклашувчи комиссиялар фаолиятини самарали тарзда мувофиқлаштириб бориш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда, жойларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда, жамоат назоратини

таъминлашда уларнинг аҳамияти ва ролини ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли орасида кенг ахборот-тунтуриш ишини ташкил этиш;

— фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш марказда ҳамда жойларда қандай бораётганлиги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш;

— аҳолини кўпроқ ташвишлантириб турган, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш пайтида фуқаролар томонидан кўтарилган ижтимоий, уй-joy, маиший ҳамда бошқа масалаларни аниқлаш, уларни ҳал этишга қаратилган комплекс дастурлар ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

— сайлов якунлари тўғрисида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳақида ўтказишга қўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказиш;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётиги янада такомиллаштириш

каби муҳим масалалар ечими билан шугулланиб келмоқда.

Бу жараёндаги энг муҳим масала муносиб номзодни сайлашдир. Чунки маҳалланинг аҳоли, айниқса ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритилишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва ҳафсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора қўнайиб бораётганини ҳисобга олсак, маҳалла оқсоқолини энг муносиб номзодлар орасидан сайлаш муҳим масала экани аён бўлади. Қолаверса, маҳалла оқсоқоли эл-юрт ичида ҳурмат қозongan, иқтидорли, ишбилармон, сиёсатчи, ташаббускор, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, одамлар билан ишлаш ва мулоқот қилишнинг амалий кўникмаларига эга бўлган, узоқни кўзлаб иш юрита оладиган, барча эзгу ишларга бош бўладиган ҳалол инсон бўлиши лозим. Бирок бу ишда унга маслаҳатчилар елкадош бўлишлари даркор.

Номзодларни қўрсатиш вақтида қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, қонунбузилиш ҳолларига, суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик борасида барча чора-тадбирлар қўрилмоқда. Шу билан бирга, аҳолини кўпроқ ташвишлантириб турган масалаларни аниқлаш, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш

ҳамда ўтказиш даврида фуқаролар томонидан билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўзини ўзи бошқариш бутун дунёда умумэтироф этилган демократик жараён бўлса-да, лекин уни ташкил этишда миллий хусусият ва анъаналар алоҳида ўрин тутади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлангани мамлакат тараққиётини янада жадаллаштириш, қолаверса, фуқароларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини кучайтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва миллий қонун ҳужжатлари талаблари асосида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш умумбашарий ва миллий демократик қадриятларни нафақат сўзда, балки амалда рўйбга чиқаришнинг ёрқин намунасидир. Шунинг учун ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ҳар доимгидек кўтаринки руҳда, юксак ташкилий-ҳуқуқий ҳамда демократик даражада ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бу йўлда амалга ошириб келинаётган барча эзгу ишларнинг туб замирида, энг аввало, инсон ва унинг манфаатлари турибди. Ҳар қандай сайлов эркин бўлиши ва унда қатнашувчи ҳар бир фуқаронинг ўз хоҳиш-истагини эркин билдириш имконияти таъминланган бўлиши шарт. Зеро, бу Юртбошимиз таъкидлаганларидек, миллий давлатчилик моделимизнинг асосидир.

Давр талаби

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий йўсиндаги ижобий ўзгаришларни теран англашда, биринчидан, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш тақозо этилади. Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, фуқароларимиз ушбу тарихий жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки иштирокчиси бўлиши талаб этилади. Иккинчидан эса, аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш ва шу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш зарурдир.

Шу мақсадларда 2006 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги 381-сонли Қарори ҳамда ушбу қарорни ижро этиш мақсадида 2006 йил 27 июлда "Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идораларо Кенгаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 150-сонли қарори қабул қилинган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, юқорида зикр этилган Вазирлар Маҳкамасининг 150-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва кутубхоналари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи махсус коллегиял идораларо органнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши ушбу масаланинг юксак даражадаги аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.


Бундан ташқари, ахборот-кутубхона

Б.ИБАТОВ,
СВОХЖДЛҚ Департаменти
бошлиғи ўринбосари

соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг охириги сессиясида маъқулланган "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонун 2011 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, матбуотда расман эълон қилинди.

Айтиш жоизки, ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида нафақат оддий фуқаронинг ҳуқуқий онини ошириш, балки қонунни қўллаш органлари, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини тақомиллаштириш, изоҳотлар талабларига мослаштириш, фуқароларнинг қонун билан ҳимоя этиладиган ҳуқуқ ва эркинликларини бўзмайдиган, ўз устиде тинимсиз ишлайдиган, маданий етуқ, қонунларга итоаткор, ҳўллас, ўз касбининг чинакам мутахассиси этиб тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда прокуратура органларининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлигида прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш ва маданий-маърифий билимларини юксалтиришга қаратилган бир қатор эътиборга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2010 йилнинг 15 декабрида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 86-буйруғига биноан Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валюталар оид жиноятларга ва жиноий даромадларнинг легаллаштиришга қарши курашиш департаментида ахборот ва кутубхона фаолиятини амалга оширувчи, тахлилий фаолият, ходимларнинг малакасини



ошириш ва маданий-маърифий билимларни юксалтиришга хизмат қилувчи база сифатида Ахборот-ресурс маркази ташкил этилди.

Бош прокурорнинг ушбу буйруғига мувофиқ, Департамент Ахборот-ресурс марказининг асосий вазифалари сифатида ахборот-тахлилий ва тезкор-қидирув фаолиятларининг самарадорлигини ошириш ҳамда ахборот-тахлилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда маълумотнинг очиқ манбалари ва махсус адабиётлар билан таништириш; замонавий ахборот воситалари ёрдамида соҳага оид янги маълумотларни етказиб бериш; ходимларнинг касб маҳорати ва турли соҳалардаги билимларини оширишга қўмаклашиш; миллий ва хорижий наشرларда чоп этилаётган юриспруденция, солиқ, валюталар оид илгор илмий тажрибалар билан мунтазам равишда ходимларни таништириб бориш; Интернетдан зарур ахборотларни излаб топиш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйиш; кутубхона фонди ва маълумотлар электрон базасини бойитиб бориш мақсадида бошқа ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш юклатилган.


Департамент органлари фаолиятига

оид барча маълумотлар ҳамда амалга оширилаётган ишлар Департамент маҳкамасининг Тизимли таҳлил ва режалаштириш бўлимида ўрганилиши ҳамда умумлаштирилиши боис Ахборот-ресурс маркази фаолиятини юритиш ва ташкиллаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 86-буйруғига биноан ушбу бўлимга юклатилган бўлиб, бўлим бошлиғи масъул ҳисобланади.

Департаментнинг Ахборот-ресурс маркази кутубхона ва ўқув зали, Интернет-хона, электрон наشر ва адабиётларнинг маълумотлар базасига эга бўлган ўқув-ўқувчи хонадан ташкил топан.

Ҳозирги кунга келиб Ахборот-ресурс марказининг кутубхонасида иқтисодиёт, жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, тезкор-қидирув фаолияти, криминалистика, прокурор назорати ва тергов амалиёти, бошхона ва солиқ тизими, адвокатура ҳамда халқаро ҳуқуқ соҳаларида 1200 га яқин китоб, 28 турдаги махсус, илмий ва оммабоп журналлар (шу жумладан, хорижий мамлакатларда чоп этиладиган журналлар), 20 турдаги газеталар алоҳида рўнлар остида тизимли равишда мужассамлашиб келинмоқда.

(Давоми 7-бетда)



Халқ манфаатларини кўзлаб

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Шу туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Р.Ядгаров ва бошқалар 1001 та ҳўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиб, бунинг эвазига келиб тушган тадбиркорларнинг 7,1 млн. сўм пулларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлар. Уларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилиб, 8,2 гектар ер майдонлари қишлоқ ҳўжалик экинлари экиш учун ажратилди. 890 млн. сўм кредит, 30 млн. сўмлик эхтиёт қисмлар, 30 тонна минерал ўғит олишда, 61 млн. сўмлик қарздорликни ундиришда, 16 та ҳўлатда рўйхатдан ўтишда ҳамда электр энергияси билан таъминланишда ёрдам кўрсатилди. Юзга яқин тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари тикланиб, 357 та қўшимча янги иш ўринлари яратилди. Шу даврда тадбиркорлар билан ўтказилган 171 мартаба учрашувларда 15 минг 968 та тадбиркорлик субъектлари иштирок этди. Улар томонидан қўтарилган 126 та турли хилдаги муаммолар кўриб чиқилиб, барчаси ижобий ҳал қилинди. 916 нафар тадбиркорларга ҳўқуқий маслаҳат берилиб, "007" рақами ишонч телефонларига келиб тушган 80 дан ортиқ мурожаатлар тегишли тартибда кўриб чиқилди.

Шунингдек, аҳоли бандлиги масаласига жиддий эътибор қаратилди. Самарқанд шаҳридаги "8 март" АЖга қиритилган 442 минг АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция ҳисобидан Япониядан харид қилинган тикув машиналари монтаж қилиниб, баҳорнинг илк ойда корхона ишга туширилиб, 200 та янги иш ўринлари яратилди.

Ташкил этилган "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонасида эса "MAN" юк автомобиллари ишлаб чиқариш бошланди. Лойиҳа доирасида узок муддатли истиқболда ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилди. Бу ҳам янги иш ўринлари яратилишига замин бўлади.

Жорий йилда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига иш сўраб 30 минг 230 нафар фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг 27 минг 973 нафари халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди. Мурожаат қилган ва иш билан таъминлаш имконияти бўлмаган 2 минг 257 нафар фуқароларга ишсизлик мақоми берилди. Шундан 439 нафари касб ўрганишга, 1 минг 676 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 142 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди. Ҳозиргача вилоят бўйича 39 минг 727 та янги иш

ўринлари ташкил этилди.

Гуруҳ курамсиз бўлмагани каби мазкур соҳада ўтказилган текширишларда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Марказлари ходимларининг ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳўлатлари аниқланди. Хусусан, Каттакўрғон шаҳридаги "Сўфи Оллоёр" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Ниязов шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Маркази меҳнат нозири Ш.Худойбердиев ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, "Сўфи Оллоёр" маҳалласида яшовчи фуқаро Д.Салимова 10-сонли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб, иш ҳақини мунтазам олиб келган бўлса-да, унинг ишлаганлигини яшириб, Д.Салимова ва унинг турмуш ўртоғи ҳеч қаерда ишламаслиги ҳақида сохта далолатнома тузишган. Натияжада улар сохта ҳўжатлар асосида 2010 йил июнь ойидан 2011 йил февраль ойига қадар 438 минг сўм нафақа пулини ноқонуний олиб келганлиқлари учун қонун олдида жавоб бермоқда.

Мазкур соҳага оид қонунлар ижроси асосидан 176 та назорат ҳўжатлари қўлланилиб, ноқонуний ҳўқуқий ҳўжатларга 124 та протест келтирилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳўлатларини бартараф этиш мақсадида 17 та тақдимнома киритилди. 16 нафар шахс интизомий ва 19 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, судларга 72 та 37,2 млн. сўмлик аризалар киритилди. 72 нафар фуқаронинг қонуний ҳўқуқлари тикланди.

Фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, айниқса, кам таъминланган оилалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами муҳофазасига оид норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар ижроси асосидан бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу соҳада ДТ "Халқ банки"нинг туманлардаги филиаллари масъул ходимлари томонидан фуқароларнинг имзоларини сохталаштириб, нафақа ва моддий ёрдам пулларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ҳўлатлари аниқланди. Текширишлар давомида, жами 348 та ҳўлатда нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган аризалар асосидан равишда қаноатлантирилгани аниқланиб, 53 млн. 830,7 минг сўмлик ноқонуний тўловларнинг иштиёрий ундирилиши таъминланди. 12 та ҳўлатда фуқароларнинг мурожаатлари асосидан рад қилинган бўлиб, нафақа тайинланиши таъминланди. 163 нафар кишининг ҳўқуқлари тикланди. Шунингдек, 246 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилиб, ноқонуний ҳўқуқий ҳўжатларга 39 та протест келтирилди. Бу каби қонунбузарликларга чек қўйиш

мақсадида 39 та тақдимнома киритилди. 97 нафар шахс интизомий, 9 нафари маъмурий, 18 нафари эса моддий жавобгарликка тортилди ва 36 та жиноят иши кўзгатиildi.

Вилоят бўйича тижорат банклари томонидан 24 та банкомат, 6271 та терминал савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида ўрнатилган. Шу пайтгача 666 минг 388 та пластик карточкалар, шу жумладан, бюджет ташкилотлари ходимларига 443 минг 306 та, бошқа корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларига 223 минг 82 та пластик карточкалар пул маблағларидан электрон карточкаси орқали фойдаланиш учун муомала қиларилган.

Бу соҳада ўтказилган текширишлар давомида корхона ва ташкилотлар, банклар ҳамда бошқа мутасадди идоралар томонидан соҳага оид норматив ҳўқуқий ҳўжатларнинг ижроси лозим даражада ташкил этилмаганлиги, иш ҳақи ва бошқа биринчи даражали тўловлар банклар томонидан асоссиз кечиктирилганлиги, иш ҳақларига ортиқча қўшиб ёзиш ҳўлатларига йўл қўйилганлиги, масъул шахслар томонидан нақд пуллар ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланди. Жумладан, Республика шoshiлинич тез ёрдам марказининг Самарқанд филиали тез тиббий ёрдам бўлими мансабдор шахслари бюджет интизомини қўпол равишда бузишган. Тиббий тез ёрдам бўлимининг беккалари ва марказий навбатчилик хизмати бўлими тиббиёт ходимларининг иш ҳақи табелларига асоссиз равишда соатлар қўшиб ёзишлари натижа-сида 57,5 млн. сўмлик иш ҳақининг ортиқча тўланишига йўл қўйилган. Мазкур ҳўлат бўйича жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Коммунал хизматлар кўрсатиш соҳаларини тартибга солувчи қонунлар ижроси асосидан қатор тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, ханузгача ушбу тизим корхоналаридан истеъмолчилар томонидан қарздорликка йўл қўйилмоқда. Масалан, "Самарқанд электр тармоқлари" АЖнинг дебитор қарзлари 222,5 млрд. сўмини, "Марказгазтаъминот" унитар корхонасининг дебитор қарздорлиги 215,8 млрд. сўмини, вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармасининг дебитор қарзлари 4,1 млрд. сўмини ташкил этган.

Айрим мансабдор ва масъул шахслар ҳизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан истеъмолчилардан коммунал тўловларни ўз вақтида ундириш чораларини кўрмаганликлари натижа-сида қарздорликнинг ўсишига сабабчи бўлмоқдалар. Самарқанддаги "Ойдин келажак" уй-жой мулкдорлари ширкати мансабдорлари истеъмолчилардан коммунал тўловлар

учун йиғилган 1 млн. 19,5 минг сўм маблағни талон-торож қилганликлари учун қонун олдида жавоб беришмоқда.

Каттакўрғон шаҳар "Сувоқа-ва" ишлаб чиқариш Давлат корхонаси ишчилари Х.Мирзобоев, Ю.Бердиев, И.Ахмедов ва Р.Жалибаевлар ўзаро келишиб, "Сувоқова" ИЧДКга қарашли "Шаршара" номили сув узатиш қудугини таъмирлаш баҳонасида аҳолини алдаб, маҳаллада яшовчи 20 мингдан ортиқ аҳолидан пул йиғиб, шунингдек, ушбу маҳаллада яшовчи фуқаролардан ҳар ойда ичимлик суви учун 2 минг сўмдан 10 минг сўмгача пул йиғиб, патта бермасдан, пулларнинг кўп қисmini ўзлаштирганлар. Ушбу ҳўлат бўйича жиноят иши кўзгатиildi.

Коммунал ҳўжалиги соҳаларида ўтказилган текшириш натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳўлатларини бартараф этиш асосидан 800 тадан ортиқ прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилиб, 30 та жиноят иши кўзгатиildi.

Вилоятда ноқонуний қурилган қурилиш объектларини бузиш ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни таъминлаш мақсадида вилоят, туман ва шаҳарларда тузилган ишчи гуруҳлар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жами 230 та ноқонуний қурилишлар аниқланди. Худудий комиссиялар ва маъмурий органлар томонидан ноқонуний қурилишларнинг 77 таси бартараф этилиб, 15 таси қайта қуриш учун ҳўжатлаштирилди. 138 таси бўйича чора қилиниши давом этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 декабрдаги 286-сонли қарорига асосан, 2012-2014 йилларда вилоятдаги 15 та шаҳар, шаҳар посёлкалари бош режаларини ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқилиш ҳамда 2011-2014 йилларда вилоятнинг 10 та туманларидаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудини меъморий режалаштириш белгиланиб, амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йили тасдиқланган дастур асосида вилоятнинг 14 та туманидаги 21 та массивда 650 та намунавий уй-жойлар қурилиши режалаштирилган эди. Ҳозирда бу уй-жойлар ўз эгаларига фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бу йил намунавий лойиҳалар асосида вилоятнинг 14 та туманидаги 23 та массивда 695 та уй-жой-

лар қурилиши кўзда тутилган. Уларнинг қурилишига 55 млрд. сўм миқдорда маблағ талаб этилиб, бугунги кунда 33,8 млрд. сўм маблағ молиялаштирилиб, пудратчи ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Бироқ, айрим қурилиш корхоналари мансабдорлари томонидан уй-жойларга ажратилган маблағларни талон-торож қилиш ҳўлатлари учраб турибди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги "Жаҳон қурилиш савдо" МЧЖ директори И.Юлдошев ва бошқалар Ўргут туманидаги "Чағизмон" маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойларга ажратилган 16 млн. сўм миқдоридagi пул маблағларини ўзлаштиришган. Нуробод туманидаги "Янгиқош" массивида замонавий лойиҳалар асосида бош пудратчи "Давронбек Чинобод қурилиш" хусусий корхонаси мансабдор шахслари томонидан эса, 51,5 млн. сўм ва шу массивда бош пудратчи "Бинокор" жамоа корхонаси масъул ходимлари томонидан 22,3 млн. сўмлик қурилиш ишлари сифатсиз бажарилишига йўл қўйилган. Ушбу ҳўлатлар бўйича жиноят ишлари кўзгатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда фуқароларнинг ҳўқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири деб эътироф этилган. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда бирорта мурожаат эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ўтган давр мобайнида фуқаролардан 4707 та ариза ва шикоят келиб тушган бўлса, улардан 1377 таси бевосита прокуратура органларида кўриб чиқилиб, ҳал қилинди, 201 таси қаноатлантирилди. 876 та фуқарога ҳўқуқий тушунтиришлар берилиб, 188 нафарининг ҳақ-ҳўқуқлари тикланди. 2289 нафар фуқаро шахсий қабулда бўлиб, уларга ҳўқуқий ёрдам кўрсатилди.

Умуман, мақсадимиз инсон манфаатлари учун хизмат қилиш экан, ҳар биримиз ўзимизга юклатилган вазифага масъулият ҳисси билан ёндашмаскина қонун устуворлигини таъминлашимиз мумкин. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ҳўқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир".

Самарқанд вилояти

Самарқанд вилояти 1938 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳудуди 16,8 минг кв.км. Аҳолиси 3127,7 минг кишини ташкил этади. Вилоятда 11 шаҳар бўлиб, жумладан, 2 та вилоятга ҳамда 9 та туманга бўйсунувчи шаҳарлардан иборат. Шунингдек, 14 туман, 88 та шаҳарчалар, 123 та ҚФЙ ва 1871 та қишлоқ аҳоли пунктларини ўзида жамлайди. Вилоят бўйича 42,326 та (2011 йил 1 июнь ҳўлатида) ҳўжалик юритувчи субъект пункти аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Вилоятда 7 та олий ўқув юрти, 158 та касб-ҳўнар коллежи, 14 та академик лицей, 1219 та мактаб ва 659 та мактабга таълим муассасалари фаолият юритиб келмоқда.

Фарзандлар камолоти йўлида

Алишер ЗАКIROV,
Самарқанд шаҳар прокурори



Юртимизда эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиш учун кенг қўлдан ишлар амалга оширилмоқда. Қабул қилинаётган қўлаб дастурларда ҳам асосий эътибор ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Зеро, ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашариёт тарихида тутган ўрни ва мавқеи бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқлигини барча яхши билади.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида 401,9 минг киши истикомат қилса, уларнинг 128,4 минг нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Шаҳарда 65 та умумтаълим мактаблари, шундан 2 та бошланғич, 4 та ихтисослашган, 1 та ёрданчи, 5 та болалар спорт мактаблари, 9 та мусика мактаблари, 1 та тарбияси оғир болалар реабилитация ва касбга йўналтириш махсус-мактаб интернати, 90 та мактабгача таълим муассасаси, 4 та меҳрибонлик уйлари мавжуд. Шаҳардаги умумтаълим мактабларида 58 968 нафар, 12 та академик лицейларида 10 066 нафар, 28 та касб-хунар коллежларида эса 39 573 нафар ўқувчилар таълим олади.

Шаҳарда "Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида битирувчиларнинг касб танлашига қўмаклашиш ишлари кенг қўламада

амалга оширилмоқда.

Жумладан, шаҳар прокуратураси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда шаҳардаги Сиеб педагогика касб-хунар коллежида "Мутахассислик — сенинг келажагинг" номли кўргазмани ташкил этди. Унда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд туманидаги касб-хунар ва академик лицейларнинг ўқувчилари иштирок этишди. Кўргазмада билан ва касб-хунарга оид кўргазмалар, материаллар ва ижодий ишлар, миллий ҳунармандчилик, дурадгорлик, енгил санаят, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини кайта ишлаш, тиббиёт каби йўналишларда таълим олаётган ўқувчиларнинг касбий фаолияти намойиш этилди. Таъкидлаш жоизки, кўргазмада 12 минг нафар битирувчи иштирок этиб, улар ўзлари учун зарур тушунчаларга эга бўлишди.

Шунингдек, шаҳар прокуратураси ёшларнинг иш билан

бандлигини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида ҳам қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Шаҳардаги 695 та корхона, ташкилот ва муассасаларда 3989 та квота иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, коллеж битирувчиларига барқарор иш ўринлари яратиш мақсадида "Бўш иш ўринлари" ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Жумладан, Сиеб тиббиёт ва Самарқанд қирилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-хунар коллежларида, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" жамғармалари ҳамда "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмалари ҳамкорлигида шахримиздаги марказий хиббонда, "Ёшлик" истирохат боғида шундай ярмаркалар ташкил этилди. Уларда коллежларнинг 5706 нафар битирувчилари иштирок этишган бўлса, 68 нафарига корхона ва муассасаларга ишга жойлаштириш учун йўланма берилди.

Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" деган гоияни ўзида мужжасам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Хусусан, академик лицей ва касб-хунар коллежларида шаҳар прокуратураси ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзусига бағишлаб, "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари", "Вояга етмаганларнинг жавобгарликлари", "Вояга етмаганлар орасида жиноят-

чиликнинг олдини олиш", "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли" мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Бола қачон жиноят қўчасига кириб қолади? Эътиборсиз қолдирилганда шундай бўлади. Бу вазифага ўта жиддий ёндашиш лозимлиги туфайли тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борилаёпти. Прокуратура томонидан вояга етмаганларнинг қаровисиз ёки назоратсиз қолишлари, улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш ва болалар ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган 10 та текшириш ўтказилди, 221 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 17 та тақдиминома киритилди. 151 нафар масъул шахс интизомий, 78 нафари маъмурий ва 13 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, вояга етмаганларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Уларнинг нимага қизиқишларидан келиб чиқиб, турли тўғрақларга жалб этиш ҳам энг муҳим масалалардан биридир. Бу борада шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактабдан ташқари таълим муассасалари асосий ўрин тутди.

Яратилаётган шароитлар самарасидан фарҳансга арзийди. Жумладан, 26-29 май кунлари ўтказилган Республика IV босқич фан олимпиадасида Самарқанд шаҳридан 11 нафар ўқувчи иштирок этди. Улардан

Самарқанд Давлат университети қошидаги 1-сон академик лицейининг икки ўқувчиси совринли ўринларни қўлга киритишди. Р.Раилова рус тили ва адабиёти фанидан биринчи ўринни, В.Қадиркулова эса француз тили фанидан учинчи ўринни эгаллади.

Самарқанд юридик коллежи ўқувчиси Жаҳонгир Воҳидов бир неча бор шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган. У яқинда шахмат бўйича ёшлар ўртасида Филиппинда ўтказилган Осиё чемпионатида қатнашиб, бронза медални қўлга киритди.

Юнон-рум кураши бўйича Россиянинг Ростов шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирда ёш спортчимиз Руслан Комилов биринчи ўринни эгаллаб бўлса, спортнинг пенкчалар билан тури билан жиддий шуғулланувчи, шаҳардаги 37-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Шаҳзод Мухторов яқинда ўтказилган республика очик биринчилигида олтин медални қўлга киритди. 28-29 май кунлари Хитойда ўтказилган Осиё чемпионатида енгил атлетика спорт тури бўйича Руслан Қурбонов Осиё чемпиони бўлди.

Шунингдек, ўқувчиларимиз Термизда ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан камол топиши асосий мақсадимиз бўлиб қолаверарди. Ўртабосилиш таъкидланганларидек, "Агар мендан энг катта бойлик нимадан иборат деб сўрасан, у ақлли ва билимдон, эртанги кун хақида ўйлайдиган болалардир деб жавоб берган бўлардим". Дарҳақиқат шундай, болаларимизни эртанги кун учун муносиб тарбиялай олсак, бу энг катта ютугимиз бўлади.

Тадбиркорлик — таракқиёт мезони



Ботир ЮСУПОВ,
Иштихон туман прокурори

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга эътибор соҳа ривожланишида чинакамига янги даврни бошлаб берди. Бунинг учун энг қўлай йўналиш яратиш мақсадида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Тадбиркорлар учун шарт-шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид мазкур қарорларга қўра, прокуратура органларига бир қатор вазифалар юклатилди. Ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида Иштихон туман прокуратураси самарали фаолият олиб бормоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ва ишончли ҳимоя этиш, бизнесни ривожлантириш учун янада қўлай муҳит яратиш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида туман прокуратураси томонидан мунтазам равишда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, ислохотлар моҳияти, ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувга чек қўйиш бўйича тушунтиришлар берилмоқда.

Туман миқёсида яратилган қўлай муҳит натижасида 100 нафар юридик шахс ҳамда 320 нафар яқна қаттибдаги тадбиркор рўйхатга олинган. Бу эса ўтган йил шу даврига мис равишда юридик шахслар 15 та ва яқна қаттибдаги тадбиркорлар 239 тага қўй рўйхатга олинганини кўрсатади.

Тадбиркорлиқни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири уларни молиявий қўлаб-қувватлашдир. Банклар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва кенгайтириш учун кредитлар ажратилиши, тадбиркорларнинг инвестиция дастурларига кирган лоийҳалар бўйича ўтказиладиган танловларда иштирок этишлари юзасидан туман прокуратураси томонидан мониторинглар олиб борилиб, муаммолар ҳал этиляёпти. Ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун жорий йилнинг беш ойи мобайнида банклардан 2 млрд. 698 минг сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган. Жумладан, янги ташкил этилган "Иштихонгапротектсервис" МЧЖга 350 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари жалб қилиниб, бу маблағга "Кейс" русумли қалла ўриш қамбани олиб келинди. 10 беш зотли ситирлар ҳамда 2

мингта товукни парвартиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, "Қаҳрамон", "Рухиддин" ва "Чўртан" фермер ҳўжаликлари "Класс" русумли юқори унумли қалла ўриш қамбанилар лизинг асосида олиб келинди. Бу эса, туманда етиштирилган қалла ҳосилини қисқа муддатларда йиғиштириб олиш имконини беради. Бу каби эътибор самараси натижасида туман миқёсида санаят маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳам жадал ривожланиш кузатишмоқда. Масалан, "Зарбанд" ҚФЙ ҳудудидаги "Полопон" қишлоғида жойлашган "Тайлок универсал сервис" корхонасида арзон ёқилга бўлган қўмир билан ишлайдиган, бир кунда 30 минг донга пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилган, маҳаллий ёшлардан 65 нафари доимий иш билан таъминланди. "Қорақишлоқ" қишлоғида ташкил этилган "Зафар Кубаев" хусусий корхонасида иккиламчи ҳомашёлардан турли ўлчамдаги полиэтилен кувурлар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

"Микрокредит" банки томонидан гаров таъминотисиз, яъни қафолат хати орқали 1 млн. сўмгача миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилиши қишлоқ жойларда аҳолининг шахсий томорқа участкаларида паррандачиликка ихтисослашган қўлаб деҳқон ҳўжаликлари ташкил этилишини рағбатлантирмоқда. Жумладан, "Сўғот" маҳалласидаги 110 та хонадонда паррандачилик ҳўжаликлари ташкил этилди. Ҳозирги кунда 50 бошдан минг бошгача товуклар санаят усулида парвартирилиб, юқори сифатли туҳум ва парҳез гишт етиштирилмоқда.

Аҳолини табиий асал, паррандачилик ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга ҳукуматимиз томонидан жиддий эътибор қаратилиб келинаётгани боис, туманда жорий йилда 3 та асаларчилик, 7 та паррандачилик ва 7 та балиқчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари ташкил этилди.

Ноқонуний фаолиятга йўл йўқ

Улугбек УМАРОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи

Юртимиз ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан борар экан, бу борада қонунларга таъриш иш юриштиш ҳар бир фуқароннинг бурчи саналади. Жамиятда эса мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилмасдан, фақат ўз манфаатлари йўлида турли қонунбузарликлар содир этаётганлар ҳам учраб туради.

Шу жиҳатдан Департамент ходимлари томонидан давлатга етказилган моддий зарарни аниқлаш ва ундириш, яширин истисоидетни фощ этиш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланishiга чек қўйиш ва валюта муомаласи соҳасида содир этилган қонунбузилишларни аниқлаш борасида тезкор-қидирув ва таҳлилий ишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жорий йилнинг беш ойи давомида вилоятда ўтказилган тадбирлар давомида иқтисодий, солиқ ва валютасига оид қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 149 та жиноят ва 36 та маъмурий ишлар қўзғатилди.

Шунингдек, текширишлар натижасида 12,7 млрд. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, давлат бюджетига жами 5,1 млрд. сўмдан ортик маблағлар ундирилди. Қонунбузарлардан қонунга хилоф равишда муомалага киритилган 1 млрд. 815,7 млн. сўмлик товар моддий бойликлар, шу жумладан, 10,9 млн. сўмдан ортик спиртли ва тамаки маҳсулотлари, 134,5 млн. сўмдан ортик турли валюта қимматликлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилган товарларнинг 71,1 млн. сўмлиги сотилиб, давлат бюджетига ўтказилди. Товарларнинг ноқонуний импорти бўйича 7 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Мансабдорлик жиноятлари билан боғлиқ 27 та жиноят иши қўзғатилди.

Валюта соҳасидаги аниқланган қонунбузарликлар натижасида 14 та жиноят ва 26 та маъмурий иш қўзғатилди. Айбдорлардан қонунга хилоф равишда муомалага киритилган 44251 АҚШ доллари, 200 евро, 500 Қозоғистон тенгеси ва 62520 Россия рубли ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Чиқоғоль ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ 22 та қонунбузарлик фощ этилди. Ҳуқуқбузарлардан 10 млн. сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинди. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини фощ этиш билан боғлиқ 9 та жиноят иши қўзғатилди.

Барча ҳуқуқ-тартибот органлари каби Департаментнинг вилоят бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жойларда тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказилиб, тадбиркорларнинг муносабатлари асосида давлат рўйхатидан ўтказиш борасида 17 марта амалий ёрдам кўрсатилди. Бу каби эзгу ишлар давом этирилимоқда.

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Тақдир-қисмати халқ билан боғланган



Ижтимоий фикрларни, халқ руҳиятини ифодалашда, жамият ҳаётида адолат ва инсонпарварликни қарор топтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва хизматларини эътироф этмасдан бўлмайди. Матбуот ва ОАВ деганда кўпчилик журналистларни кўз олдига келтиради. Журналистика жамиятни бошқариш, назорат қилиш ва ўз-ўзини бошқариш жараёнларида иштирок этар экан, мувофиқлаштирувчи вазифасини бажарadi. Гоявий нуқтаи назардан эса журналистика маънавий қарашларни етказиб берувчи, тарғиб этувчи ҳисобланади. У жамият аъзоларининг онгида маълум бир қадрият, урф-одат, анъана, муносабат, ахлоқий-маънавий ва баълиний-эстетик қарашларнинг шаклланишига хизмат қилади. Мамлакатда кечаётган ўзгаришларни, ангилликларни халққа етказиб беришда журналистларга катта масъулият юкланади. Президентимиз Исмоил Каримов таъкидлаганларидек, "...Матбуот аҳлининг меҳнатини, уларга ҳудуднинг ўзи берган истеъдодни юксак баҳолаб, мен журналистларга тақдир-қисмати доимо халқ билан боғланган ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг қувонч ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари, фидойи инсонлар сифатида қараш тарафдориман".

27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамларини нишонлайдилар. Шу муносабат билан турли соҳа вакиллари бугунги давр журналистикаси ва ОАВнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Насимхон РАҲМОНОВ, ЎЗМУ журналистика факультетининг декани, профессор, филология фанлари доктори:

— Халқ журналистни ҳақиқат жарчиси, газета, телевидениени эса ҳаёт кўзгуси деб билади. Сўзининг қудрати кучли. Уни қачон, қаерда ва қай йўсинда ишлатиш қалам соҳибига боғлиқ. Шунингдек, ОАВни халқнинг — оддий фуқаронинг фикри ва гояларини ифода этадиган очик минбарга айлантирмай туриб, демократияни чуқурлаштириш, ислохотларни изчил амалга ошириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Янги асрда жамият олдида турган энг долзарб масалалардан бири — ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш ва илгор ахборот технологияларини жорий этиш, ҳақон ахборот интеграциясига қўшилишнинг энг асосий вазифаларидан бири эса жамиятнинг ахборот ресурслари захирасини ошириш ва инсон фаолиятида улардан фойдаланиш сифатини юксалтириш ҳисобланади. Ўз ҳаётини матбуот ва ахборот соҳасига бағишлаган заҳматкаш журналист ҳамкасбларини касб байрами билан табриклар эканман, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида қилинаётган сайёҳ-харакатларнинг энг олдинги сафларига туриб, улкан ютуқларга эришишларига тилақдошман.

Тамара ТИЛЛАЕВА, Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари:

— Айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш учун олиб борилаётган сайёҳ-харакатларда матбуот ва ОАВнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Жамиятнинг энг фаол ва кўзга кўрини-

ган қатлами журналистлар ҳисобланади. Журналист, аввало, касбига содиқ бўлиши, ҳар қандай масалага ҳолис ва ҳалол ёндашиши керак.

Адолат қарор топиши учун ҳар бир жамиятда аёвсиз қурашлар бўлиб келган. Муаммоли материалларни ёритиш, ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлган фуқароларнинг дарди-га қулоқ солиш, зиддиятчи ва бир неча йиллаб ечимини кутиб ётган масалаларни чўчимадан ёритишда журналист ўз маҳорати ва билимларидан фойдаланади. У аввало, ўз позициясига эга бўлиши керак. Иккинчидан, ихтисослашувни йўлга қўйиш лозим. Учунчидан, ҳозирги глобаллашув даврида чет тилларни билиш ва ўша тилда ахборот ёки мақола тайёрлаш даражасига етиш лозим. Туртинчидан, мамлакатимиз нуфузли нашрларининг хорижий давлатларда муҳбирлари бўлса, максдага мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари, сўнгги пайтда фелетон жанридаги мақолалар камайиб кетган. Давлатларнинг сиёсий ҳаёти ҳақидаги шарҳлар ҳам кам учрамоқда. Бунинг учун сиёсий шарҳловчилар сонини кўпайтириб, уларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш керак. Энг муҳими, журналист юксак ахлоқи ва нафосати юксак даражада бўлиши лозим.

Журналист билан ҳуқуқшуноснинг касбий фаолиятида ўхшашликлар талайгина. Бунга изоҳ бермаса ҳам бўлади. Фаолиятимизни ошқорла ёритаётган, қонулар моҳиятини халқ онгига синдиришга муносиб хисса қўшаётган матбуот ва ОАВнинг меҳнатини эътироф этмасак бўлмайди.

Эркин БОҚИБОВЕВ, Республика "Нуроний" жамғармаси раиси:

— Ижтимоий тараққиётнинг улкан ҳаракатлантирувчи кучи

ҳисобланган жамоатчилик фикрининг шаклланишида матбуотнинг ўрнини рад этиб бўлмайди. Аммо матбуотнинг оммавий онгни ташкил этувчи барча элементлар, унинг турлича кўринишлари, шунингдек, ижтимоий амалиёт билан бевосита алоқада бўлиши ҳам унутмаслик керак. Айнан амалиётда, аҳолининг хатти-ҳаракатларига таъсир маъносиде журналистларнинг фаолияти керакли натижани беради. Назаримда, журналистиканинг вазифаси жамиятнинг, инсоннинг манфаати ва қизиқишлари, ижтимоий тараққиёт максадларидан келиб чиқиб, амалиётга қайта ўзгартирувчи, қайта ташкил этувчи таъсир кўрсатишда намоён бўлади.

Умар ФАЙЗИЕВ, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори:

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда журналистика соҳасида эришилган ютуқлар қатори ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Оммавий ахборот воситалари фаолияти бевосита конституциявий, халқаро ҳуқуқий ва тегишли қонунчилик асослари орқали мувофиқлаштирилади. Инсонлар онги ва тафаккурининг ўзгаришларга мослашувида ОАВнинг роли ниҳоятда муҳимдир. Модомики, халқимизнинг билим савияси, дунёқараши, ҳуқуқий онги матбуот орқали тезроқ тараққиш топар экан, бу соҳага эътиборни янада кучайтириш керак.

Баҳодир ИМИНОВ, сиёсатшунос, иқтисод фанлари доктори:

— Келахатқа йўлни ўтмиш кўрсатади. Демак, кечанинг бутун борлиги, умри биз учун сабоқ бўлади. Унинг истиқбол-и яқунлари бугунимиз учун

қудратли кўприк вазифасини ўтайди. Собиқ шўролар тузуми даврида матбуот яқка ҳукмрон коммунистик партиянинг мафкуравий қуролига айланган эди. Мустақилликка эришилган илк давларданок матбуот ва ОАВ эркин минбарга айланди. Эркин фикрлайдиган мустақил газеталар сони кўпайди. Цензурадан халос этилиш орқали матбуот билан ОАВнинг демократлашув жараёни ўзининг кулминациясига эришди, десам хато бўлмас. Лекин, назаримда бу борада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина.

Журналистик фаолиятда материалларни умумлаштиришнинг умумсоциологик, махсус ва ҳиссий (эмперик) каби назарий босқичлари қўлланилади. Биринчи ҳолатда матбуотнинг ижтимоий тизимлардаги фаолияти ва тараққиёти, ҳақон ва муайян давлат миқёсида ривожланиш жараёнларига таъсири назарда тутилади. Махсус босқичда матбуот ва ОАВ аудиториясининг, журналист фаолияти ва тайёрлаган материалларнинг ҳамда ахборотнинг тарқалиш доирасининг нисбий социологик автономияси эътиборда бўлиши лозим. Бунда ОАВларнинг, журналистларнинг маълум бир йўналиш, соҳа ихтисослашуви, тақдим этаётган материаллар ҳам асосан шу йўналиш ва соҳа вакиллари ёки уларга қизиқувчиларга мўлжалланган бўлиши кўзда тутилади.

Темур УБАЙДУЛЛО, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "Саховат" бирлашган тахририятининг Бош муҳаррири:

— Журналистик касбининг муҳим жиҳатларидан бири — мавзуга берилиб, қизиқиб ишлаш билан бирга ахборот, воқеа мазмунига ҳолис бўлиб туришдир. Ҳар бир инсон бирор воқеага ўзгача қараб, ўзича баҳолайди. Журналист эса шу воқеани ҳаққоний, ҳолислик ва назокат билан ёритиб, ўз муносабатини бериши керак. Бу касбнинг энг мураккаб томони шундаки, журналист ҳеч бир томонга ён босмай, ҳолис бўлиш билан бирга, вазифасини бажараётганда шахсий ҳаёт билан ижтимоий ҳаёт ўртасидаги чегарани билиши зарур. Журналистик биддан доимо камол топиб бориши, жамият ҳаётидаги энг муҳим воқеа-ҳодисаларни муттасил, қизиқарли қилиб ҳаққоний ёритиш, суҳбатдошнинг сўзларини эътибор билан тинглаш, жойлардаги воқеалар ривожига тўқинлик қилмаслик, янгиликларни адабий тилда тингловчиларга тақдим этиш, воқеаларни ҳолис ёри-

Гули ХОЖИБОЕВА, "Huquq"

тиш замон билан ҳамнафас яшашни талаб қилади.

Рустам ШАРИПОВ, 2-Тошкент тиббиёт Академияси Невропатология бўлими шифокори, т.ф.д профессор:

— Дунёдаги касблар орасида матбуот ва ОАВ ходимларининг вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Журналистнинг касбий ахлоқи, масъулияти ва ўзига яраша меҳнат шифокорликдан кам эмас. Шифокор одамларнинг дардига шифо топишда ёрдам берса, журналист маърифат, маънавият, сиёсат, иқтисод, қолаверса, дунё ангилликларининг оммавий тарғибот ва ташвиқот қилинишида маъсул ҳисобланади. Шу билан бирга, улардан улкан масъулият, ирода, шижоат, билим ва руҳан тетик бўлиш талаб қилинади. Бу икки соҳанинг бири-бирига ўхшаш жиҳатлари кўп. Жумладан, тезкорлик, масъулиятни ҳис этиш, заковат, таҳлил ва ташхис, етарли асосларга таяниш ва тўғри хулоса чиқариш каби хусусиятлар шифокор билан журналист учун муҳим аҳамият касб этади. Фурсатдан фойдаланиб, матбуот ва ОАВ ходимларига мустаҳкам сихат-саломатлик тилайман.

Алла ВИНЛЯНД, Олмазор тумани 233-умумтаълим мактаби директори:

— Кундалик ҳаётимизда газета ва журналларнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини тасвирлашга ҳоҳат бўлмаса керак. Биргина мустақиллик йилларида улар сонининг кескин ортгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Эътироф этиш керак, биз ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида яшаётимиз. Зеро, келажак авлодининг маърифатли, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлишида матбуот ва ОАВнинг ўрни катта. Келажак авлодининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда тарғибот ишлари муҳим ўринга эга. Тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш аввало, оммавий ахборот воситалари зиммасига улкан масъулият юклайди. Баъзан ўқувчиларнинг китобдаги маълумотни инкор этиб, "ўстоз, мана бу газетада бошқача ёзилган-ку", деб ўқитувчиси билан баҳслашиб қолганини эшитиб қоламан. Мана шу оддий бир босқиннинг ўзидан матбуот ва оммавий ахборот воситаларига билдирилган ишонччи кўришимиз мумкин.

Давр талаби

(Давоми. Бошланиши 3-бетда)

Кутубхонага келган барча адабиётлар Тизимли таҳлил ва режалаштириш бўлими ходимлари томонидан ўрганилиб, амалий аҳамиятга эга бўлган, яъни иқтисодий жиноятчиликка, жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, тезкор қидирув фаолиятга, шунингдек, жиноятларни бартараф этиш ва фожия таътиқасига оид ривожланган мамлакатларнинг илгор тажрибаси хизмат доирасида фойдаланиш учун Департамент маҳкамасининг тармоқлари ҳамда ҳудудий бошқармалар ходимларига мунтазам равишда етказилиб берилмоқда.

Ходимларнинг хизмат доирасида фойдаланиши учун зарур бўлган қўнимчаларни шакллантириш, тегишли маълумотларни олиш ва ўрганиш, ҳақон ангилликлари билан танишиш, қолаверса, дунёқарашларини кенгайтириш мақсадида Интернет тармоғига уланган махсус компютерлар билан жиҳозланган интернет-хона фаолият юритмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, юқориди айтиб ўтилган ижобий таърибадан келиб чиққан ҳолда интернет-таҳлили йўлга қўйиш мақсадида 2011 йил 26 майда Департамент бошлигининг 15-сонли буйруғига мувофиқ вилоят бошқармаларида ҳам тегишли интернет-хоналар ташкил этилган.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарасини янада ошириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида 2011 йил 25 февралда Департамент ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик битими ҳамда жорий йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси доирасида Ахборот-ресурс марказининг

кутубхонасида ҳамда вилоят бошқармаларида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир нашрлардан иборат махсус бурчаклар ташкил қилинган.

Ахборот-ресурс марказининг электрон нашр ва адабиётларнинг маълумотлар базасига эга бўлган ўқув-услубий хонасида хорижий мамлакатларда нашр этилган соҳага оид китобларнинг электрон нусхалари, Департамент органлари томонидан жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ҳамда телевидениеда намойиш этилган айрим тадбирларнинг видеотасвирлари, иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан услубий қўланмалар жамланган.

Департамент Ахборот-ресурс марказидаги манбалардан унумли ва самарали фойдаланиш мақсадида 2010 йил 22 декабрда Департамент бошлигининг "Кутубхонадан фойдаланиш тартиби", "Интернет-хона ва электрон кутубхонадан фойдаланиш қоидалари"ни тасдиқлаш тўғрисида"ги 36-сонли буйруғи чиқарилган. Ушбу буйруққа мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Департамент ходимлари кутубхона ва ўқиш зали, интернет-хона ва электрон кутубхонанинг фойдаланувчилари ҳисобланадилар.

Юқоридигилардан келиб чиқиб, мамлакатимиз раҳбари раҳнамолигида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, маданий-маърифий жиҳатдан ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб етишишга, қонунларга итоаткор, шунингдек, мустақил юртимизда изчил, чўқур ҳамда ҳар томонлама ўйлаб амалга оширилаётган ислохотларни теран англашига қаратилган сай-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз.

Шу йил 13 июндан 18 июнга қадар вилоятимизда Одам савдосига қарши курашиш Иоралараро комиссияларининг масъул котиблари иштирокида ана шу мавзудаги минтақавий ўқув машғулоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд ва Навоий вилоятлари одам савдосига қарши курашиш Иоралараро комиссияларининг масъул котиблари иштирок этилар.

Долзарб масалага бағишланди

Одил ПОЁНОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Одам савдоси — бугун дунё ҳамжамиятини ташвишлантираётган глобал муаммолардан бири. Жиноятнинг ушбу тури авваламбор, инсон эркининг поймол этилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, шаъни, қадри ва ғурурининг топталиши, ҳаётига, соғлиғига таҳдид солиши билан хавфлидир.

Таассуфки, ана шу муҳим жиноят баъзи бир юртдошларимизни ҳам ўз домига тортиди. 2008 йилнинг апрель ойида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, июль ойида эса Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши бу жиноятга қарши курашиш, фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва одам савдосидан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш борасида муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан буён мамлакатимизда бу борада катта ишлар амалга оширилди. Одам савдосининг олдини олиш учун энг аввало, ҳуқуқий тарғибот, бандлик, янги иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ана шундай чораларга, қонуний равишда чет элга бориб ишлаб келиш имкониятлари яратилганига қарамай, баъзи бир юртдошларимиз катта даромад илжинида қонунларимизни четлаб, хорижга чиқишга ҳаракат қилаётдилар. Одам савдоси хавфининг барча жиҳатларини юртдошларимизга, айниқса, ёшларга чўқур тушунтириш, уларга қонунларимизни, ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаштириш ниятда муҳим.

Одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш фоят кенг қамровли иш ҳисобланади. Шаҳрисабз туман ҳокимлиги мажлислар залида бошланиб, Қарши Давлат университети ва бошқа жойларда давом этган илмий-амалий семинарда бу борада батафсил фикр юритилди.

умуман ижод ахли учун кўплай мукофотлар таъсис этилган бўлиб, уларнинг барчаси соҳада оригиналлик, ҳолислик, ижодда руҳ эркинлиги, ғоя софлиги, сўз эркинлиги каби принципларни қўллаб-қувватлайди.

"Франция академияси Гран-приси", "Ака-ака Гонкурлар мукофоти", "Фемина", "Ренодо", "Медичи", "Интералье", "Декабрь мукофоти" — французсад журналистлар ва ижодкорлар орасида энг нуфузлиларидир.

Буни қарангки, мамлакатда аёл ва эркак ижодкорлар учун ҳам алоҳида мукофотлар бор экан. Масалан, нуфуз жиҳатдан мукофотлар ичиди иккинчи ўринда турадиган "Фемина" ёки "Хонимлар мукофоти" аёллар учун бўлса, унга қарши эркак журналистлар учун "Интералье" жорий этилган экан. Ил бўйи журналистлар бор маҳоратларини намойиш этиб, тан олинш учун астойдил тер тукишади. Зеро, жамиятда мукофот олган журналистнинг макеи ошади, қолаверса, рағбат пуллари микдори ҳам ҳазилакам эмас.

"АРТУР ЛАВКИН"

Австралияда 1928 йилда энг фаол ва муносиб журналистлар учун таъсис этилган. Хайбат аъзолари гоилиларни аниқлашдаги бирламчи принципалар — "ишларнинг ғовий ва шаклий жиҳатлари, миллийлик ва мавзулар қўламини. Мукофот университетларнинг талаба ва аспирантлари ҳамда австралиялик журналистлар ассоциациясининг Гарбий Австралия бўлимининг барча аъзолари учун "очик". Бу йил "Артур Лавкин" мукофотининг 83-тақдими бўлиб ўтади.

Фурсатдан фойдаланиб, мустақил юртимизнинг барча журналистларини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни билан табриқлайман. Ҳамиша ҳалқ ва юрт ишончига муносиб бўлайлик!

Баргида МҮМИНЖОНОВА,
журналист

«Медичи»дан «Атиргул»гача

Камера, микрофон, радиобошловчининг дилхуш овози, экран қаршисидаги суҳбатдоннинг ўзини тутиши... Булар болалик давридаёқ журналистларнинг кўпчилигини шу соҳага етаклаган воситалар бўлса, ажаб эмас...

Журналист — жамиятнинг энг илгор, зилли вакили. Одамлар журналистнинг ёзгани, айтганига ишонишади, кези келганда ундан маслаҳат, ёрдам сўраб, ҳавас ҳам қилишади.

Юртбошимиз бу соҳа вакилларига шундай таъриф берганлар: "Биз журналист деганда, аввало, ўз ўрнини доимо ҳаётнинг қайноқ жабхаларида деб биладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳалқ ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида қасб маҳорати ва фуқаролик позициясини намоён этадиган қатъиятли инсонларни тасаввур қиламиз".

Шундай экан, журналистларнинг фидокорона, ҳалол меҳнати ҳар қандай эътиборга лойик, десак муболага бўлмайди. Дунёнинг барча мамлакатларида қаламқашлар учун турли хил мукофотлар жорий этилган. Шу маънода юртимизда ҳам журналистлар, ижод ахли ўзгача қадрланади.

Куйида ана шу мукофотларнинг айримлари ҳақида маълумот берамиз.

"ОЛТИН КАЛАМ"

МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Юртимиз журналистлари учун 2006 йилда таъсис этилган "Олтин қалам" миллий мукофоти бугунга келиб ҳалқаро танлов даражасига олиб чиқилди. Ҳар йилининг 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куниди мукофотнинг телевидение, радио ва матбуот йўналишларида бир неча номинациялар бўйича тақдими бўлиб ўтади. Миллий мукофотнинг битта номинацияси хорижий журналистлар учун мўлжалланган. Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасида-

ги бу номинация "Чет эллик журналистларнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун" деб номланади. Мукофот ташкилий қўмитаси таркибиди қатор нуфузли ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ҳам бор. Тақдимида гоилиларга БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки каби ҳалқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари ҳам тақдим этилади.

"АТИРГУЛ" МУКОФОТИ

Ўзбекистон журналист хотин-қизлари учун жорий этилган ушбу мукофот, ҳар йили 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида энг фаол ижодкорларга тақдим этилади. Бу йил "Атиргул"нинг тўққизинчи тақдими бўлиб ўтди.

"ПУЛИТЦЕР" МУКОФОТИ

"Пулitzer" фарб журналистлари учун энг йирик ва нуфузли мукофотлардан бири. Мукофот ўтган асрининг йирик медиа-магнати, венгриялик Жозеф Пулицер хотирасига бағишлаб таъсис этилган. Пулицер ўз васиятда ўлимидан сўнг унинг номиди фонд ташкил этишни васият қилиб, ушбу мақсад учун 2 млн. доллар маблағ ажратди.

Васиятга кўра, 1917 йилдан буён Нью-Йоркдаги Колумбия университетида ҳар йили май ойининг биринчи душанбасида "Пулitzer" мукофотининг топириш маросими бўлиб ўтади. Мукофот микдори 10 минг долларни ташкил этади. Ҳар йили ҳайбат аъзолари

бир неча минглаб даъвогар журналистлар орасидан 21 нафар энг кучли ва муносибларини саралаб олади. Уларнинг 20 нафарига 7500 АҚШ долларидан ва биргина — "Жамиятдаги хизматлари учун" номинацияси гоилига олтин медаль тақдим этилади.

Мукофот айнан босма нашрлар, яъни газета ва журналлар журналистлари учун мўлжалланган бўлиб, энг ҳоли ва ҳаққоний рағбат сифатида журналистлар орасида юксак қадрланади.

Ушбу нуфузли мукофот бири 1957 йилда АҚШнинг 34-президенти Жон Кеннеди ўзининг энг яхши автобио-

зодларини қўйишга муваффақ бўлишди.

"Пулitzer" мукофоти журналистика соҳасида "Жамиятдаги хизматлари учун", "Энг яхши ёритилган миллий мавзу учун", "Энг яхши ҳалқаро репортаж учун", "Энг яхши бадиий танқид учун", "Энг яхши таҳририят изох учун", "Энг яхши карикатура учун" ва бошқа номинациялар бўйича бу йил 94-мартаба ўз эгаларига топирилди.

"ЭММИ" МУКОФОТИ

Америка тележурналистлари учун АҚШ телевидение санъати ва фани миллий академияси томонидан ҳар йили тақдим этиладиган "Эмми" мукофотини қўлга киритишдан ортиқроқ бахт йўқ. Мукофот бир неча йиллар аввал телевидение ва Голливуд фидойилари томонидан ўша даврда соҳадаги тартибсизликларни бартараф этган ҳолда, порлоқ келажакни кўлаб жорий этилган эди. Бугунги кунда академия 13 мингдан ортиқ соҳа мутахассисларини ўзида жамлаштирган дунёдаги энг йирик профессионал ташкилот ҳисобланади. Шу

боис ҳам "Эмми"нинг журналистлар орасидаги обрўси жуда баланд. Мукофот телевидениеда сўз эркинлигини қўллаб-қувватлаш ва жамият орасида телевидение санъати обрўсини оширишни тарғиб этади. "Эмми" ҳалқаро микёсидаги мукофот бўлгани ҳолда, телевидение учун яратилган ҳар қандай ижод маҳсулини яратган ижодкор унга даъвогарлик қилиш ҳуқуқига эга.

"ФЕМИНА" ЁКИ "ХОНИМЛАР МУКОФОТИ"

Францияда журналистлар,




график китоби учун тақдирланган эди. "Пулitzer" америкалик журналистлар учун мўлжалланган бўлса-да, баъзи шартларни инобатга олган ҳолда мукофот ҳалқаро микёсда ҳам тақдим этилади. Шарт шундаки, номзод дини, миллати, фуқаролигидан қатъи назар, унинг меҳнат маҳсули айнан Америка тарихига бағишланган бўлиши ҳамда ушбу давлат нашрларида чоп этилиши шарт.

2006 йилдан буён "Пулitzer" мукофотига интернет журналистлари ҳам ўз ном-

Оқибатсиз жиян

Ҳушёрлик ва огоҳлик жиноятлар қушандиси эканлиги маълум. Биз атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларга лоқай бўлмасаан, этиборлироқ бўлсак, аввало, ўз фуқаролик бурчимизни бажарган, қолаверса, ҳуқуқ-тартиботнинг таъминла-нишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Кўшнисининг уйида чирок ёник эканига Дилором опа (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) аввалига эътибор бермади. Кейин хайрон бўлди: ахир икки соатча олдин қўшни-ни Шоира опа барча оила аъзо-лари билан Янгийўлга меҳ-мондорчиликка кетишгангани-ни қўшган ва улар билан хайр-лашган эди. Ё қайтиб келиш-димикан? Шу ўйда қўшни-сининг уйи телефонига қўнғироқ қилиб кўрди. Ҳеч ким кўтарма-ди. Хавотири ортди. Ўғри туш-ган бўлса-я?

Шоира опанинг қўл телефо-нига қўнғироқ қилди. "Шоира опа қаердасиз?" деган саволи-га "Янгийўлданман, нима гап? Тинчликми?" деган жавобни эшитди.

— Тинчлик, тинчлик, фақат уйингизда чирок ёник қолган-ми дейман...

— Чирокларни ўчирганим аниқ эсимда, эшикни ҳам, дарвозани ҳам кулфлаганимиз, — деди Шоира опа ишонч билан. Унинг бир муддат жим қолганини ўзича тушунган Дилором опа сўради:

— Нима қилай, милицияга телефон қилаверайми?

— Аввал нима гаплигини аниқ билайлик-чи. Биз ҳозир йўлга чиқамиз...

Шундай қилиб Алимовлар-нинг Янгийўл савҳати жуда тез яқун топди. Улар шу заҳоти Тошкентга қараб отланишди.

Қўшни аёлининг хавотири бежизга эмас эди.

Алимовлар олисдан меҳмон-дорчиликка кетишадан олдин жиянлари — воёга етмаган

Олим РАЙМОВ,
Мирзо Улуғбек туман прокурори
ўринбосари

Асилбек уларникида эди. Уй эгалари кетишгач, Асилбек ҳам ўз уйига қараб жўнайди. Йўлда таниши Ильяни учратиб қолиб гаплашиб турганларида, Асил-бек ҳоласининг уйида деворга осилган катта телевизор бор-лигини айтиб мақтанган бўла-ди ва ҳозир ҳоласининг уйда ҳеч ким йўқлигини айтиб ўтади.

Бу гап Ильяни бефарқ қол-дирмайди. Гапни айлантириб, Асилбекдан ҳоласи бадавлат яшашини билиб олгач, ўша — деворга осилган улкан телеви-зорни жудаям кўргиси кела-ётганини айтиб туриб олади.

Хуллас, улар Алимовлар хо-надонига киришга қарор қили-шади. Ошхона деразасига ўрнатилган ҳаво тозалагич-вен-тилятор мустаҳкам ўрнатилма-ганини сезган Илья деворга тирмашиб чиқиб, уни жойидан силжитди. Ҳосил бўлган "дар-ча"дан Асилбекни ичкарига ки-риштиб юборди. Ҳалиям қил-мисининг оқибатига ақли ет-маётган болакай ичкаридан ту-риб эшикни очади. Уй ичига киришгач, музлатгичдаги таом-лардан еб-ичиб, телевизор то-моша қилган бўлишди.

Бироз ўтирганларидан кейин Илья мақсадга қўчиди: қўлга пайпоқ қийиб олиб уйнинг хо-наларини бир-бир қўздан ке-чира бошлади. Ётоҳона эши-ги қўлфини бузиб, ичкари ки-ради, жавон ва тортолларни титкилаб қўра бошлади.

Асилбек шундагина Илья-нинг мақсадини тушунади. Аммо ўзидан бир неча ёш кат-та йигитча қаршилиқ қил-майди. Унга қўшилиб ўз қариндошнинг уйини тунаш-га киришиб кетади. Улар тил-ла тақинчоқларни, пулларни чўнтақларига, ноутбук ва ви-деокамерани эса сумкага жой-лаб, жуфтакни ростламоқчи бўлиб турганларида, хонадон телефони жиринглаб қолади. Бу ўша, қўшни аёлининг хаво-тирланиб қилган қўнғироғи эди.

Асилбек гўшакни олмоқчи бўлиб кетаётганида Ильядан яхшигина сўйиш эшитди: "Ов-сар, трубкани олсанг, қўлга тушамиз-ку!"

Шундан сўнг улар хоналар-нинг чирокларини ўчириб, чиқиб кетишди.

Улар тўппа-тўғри Ильянинг таниши Костянинг уйига бо-ришади. Ноутбук ва видеока-мерани унга қолдириб чиқиб кетишганларида Костянинг акаси келиб қолади.

Мана шу жойда сўзимиз бошида айтиб ўтганимиз ҳушёрлик ҳақида яна тўхтали-шимизга тўғри келади.

Костянинг акаси болалар-дан бу нарсаларни қаёқдан олганини сўриштира бошла-ди. Илья "Москвадаги қарин-дошларимиз совға қилиб жўнади" дея уни алдашига урунади. Аммо ноутбукни ёқиб қўришмоқчи бўлишган-ларида ўрнатилган парол — калит сўзни Илья ҳам, Асил-бек ҳам билишмайди. Костя ва акасида шубҳа туғилади. Эр-таси кунни улар Алимовлар хонадонига ўғри тушганини эшитганларида гап нимадали-гини дарров тушунади...

"Ўзигина болалар" айбала-рини бўйниларига олиб, ўғирлаган пул ва тақинчоқлар-ни, ноутбук ва видеокамера-ни эгаларига топширишди.

Аммо жиноят ҳеч қачон жа-зосиз қолмаслиги керак: суд ҳукми билан улар тегишли жазосини олишди.

Хатарли йўл



Гузэл ШАРИПОВА,

Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Гиёҳвандлик гирдобга ўхшайди. Гирдоб чангалига тушган кимса гир-гир айланиб, ўз мувозанатини йўқотади. Гиёҳванд-лик балоси ҳам унга муғтало бўлган инсонни инон-иштиёр-дан айирди, ўқон сингари ўз оламига тортиб кетади.

Бугунги кунда ушбу бало сайёраимиз аҳолисининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиб, 21 аср вабосига айланиб бормоқда. Зеро, бу ижтимоий иллатнинг хавфлилик да-ражаси дунё халқларига таъвиш тугдирётган терроризм, уюш-ган жиноятчилик, экологик танглик, ОИТС ва бошқа шу каби хавф-хатарлардан кам эмас.

Сир эмас, наркотибсининг кенг тарқалиши сабабларидан бири унинг жаҳон микёсида энг кўп даромад келтирадиган но-конуний фаолият эканлигидадир.

Гиёҳвандлар сони йилдан-йилга кўпаяётгани, айниқса, улар-нинг аксарияти ёшлар эканлиги аянчи ҳолдир. Теккин даро-мад орттириш илжинида уларни бу офат домига тортаётганлар-га қарши аёвсиз кураш олиб борилаётган бўлса-да, афсус, ҳамма ҳам бундан тегишли ҳулоса чиқариб олмапти.

Чортоқлик Холмирза Ҳуснов 1965 йил 18 сентябрда туғилган. У ҳам ана шу "қора иш"нинг этакидан тугганлардан. У ўтган йили киш фасли бошларида гиёҳвандлик моддаларини фуқароларга сотиб, бойлик орттириш илжинида таниши А.Болтабоевга 43 грамм бўлган "марихуана" гиёҳвандлик моддасини ўтказиб бе-ришни сўради. А.Болтабоев мазкур моддани назорат харид тад-бирида харидор И.Қосимовга 30 минг сўмга сотган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинади.

Наманган шаҳрида яшовчи И.Собиров ҳам "қора бозор" сав-догарларидан бўлиб чиқди. У ўз ҳовлисида гиёҳвандлик модда-ларини яширин равишда сотиб, фойда қўриб келган. Бироқ унинг бу қилимиши узоққа бормайди. Ҳуқуқий орган ходимлари ишти-рокида ўтказилган тозалов тадбирида 134,43 грамм "марихуа-на" гиёҳвандлик моддаси ўтинхонадан топилиди.

Аёлни гузал хилкатга қийнашди. Аммо улар орасида шун-дайлари ҳам борки, аёл дегани имманасан, киши.

Назokat Тўлаганова (исм-шарифлар ўзгарган) меҳнатнинг заҳ-матларидан чўчидими, оsonoрқ пул топиш йўлини қидира бош-лади. Ниҳоят, бир-икки "яхши"лар тавсияси билан қораторди-фурушлик "санъати"ни эгаллай бошлади. Чакконгина эмасми, тезда бутун сир-синоатларини ўзлаштириб олди. Аммо домийи "клиент"ига сигаретанинг ялтироқ қорғоғига ўралган "ташиш"-ни пуллаётганида қўлга тушди. Кейин чорасиз қолган, бошқа ўрамларни ҳам топиб берди.

Жиноятчиларнинг ҳар учаласи ҳам қонун олдида жавоб бер-ди. Чунки хатарли йўл доимо шундай аянчи яқун топади.

Жамиятни бўзгунчи гоялар заҳарлайди, бунёкор гоялар эса унча-ти ҳар бир муаммони ижобий ҳал қилиб, қўзланган мақсадага эри-шиш учун етарли шарт-шароитлар эсини очиб беради. Лекин афсуски, гоҳида бўзгунчи гоялар билан "қўролланган" кимсалар-нинг ўз нафсари йўлмида турли қармқорчиликларни ўйлаб "чиқара-ётганликларни туфайли, айрим юртдошларимиз қийин аҳволга ту-шиб қолмоқдалар. Баъзан эса, турли алавлар туфайли ёки бирор ишларининг амалга ошиши йўлмида йиллаб йилларини фориб-гарларга ўз қўллари билан тутқазганликларини сезмай ҳам қоли-шади. Маълум вақт ўтгач, аллангачликларини сезиб қолиб, афсус-налохот чекишади. Аммо эми бундан ҳеч қанадай фойда йўқ.

Алдов қўрбонлари

"Чорсу" бозори ёнида жой-лашган дўкон ёнида фуқаро У.Раҳимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)га уч соат ичи-да 15 минг АҚШ доллари олиб келиб беришни ваъда қилган Х.Фурқатов, ундан 22 млн. сўмни олди-ю, жуфтакни ростлади. Бояхши У.Раҳимов бўлса, 3 соат туғул, энди 30 соат кутса ҳам, на Х.Фурқатов ва на пуллари қайтиб келмас-лигини қаёқдан ҳам билсин...

Нима бўлганда ҳам у айтилган жойда анча вақт кутиб ўтирди. Бироқ ҳозиргина айтиб ўтил-ганидек, унинг шунча кутгани бефойда эди.

Х.Фурқатов бер пайтда пул-ларни керакли ерга жойлаш-га улгурган бўлиб, навбатдаги "ўлжа"ни излаб кетган эди. Кўп қидиришга тўғри келмади: яна ўша бозорнинг ёнига келиб, Х.Қабулловнинг телефонидан қўнғироқ қилиб олишни сўра-ди-ю, телефон қўлига теккан заҳоти, кўннинг суратини чиз-

Анвар АЛИЯРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи ўринбосари

ди. Телефон эгаси бўлса, "ча-пак чалиб" қолаверди.

Гарчи, Х.Фурқатов жабрла-нувчиликка ётказилган зарар-ни тўлиқ қоплаган бўлса-да, жиноят содир этилган бўлиб, қонунларимизда ҳам шунга яра-ша жазонинг муқаррарлиги белгилан қўйилган. Шу боис, суд томонидан айбланувчига қилмишига яраша жазо тайин-ланди.

Одамга таъсир қилидиган хижати, Х.Фурқатовнинг йил-лар давомида мисқоллаб йик-кан хурмати-ю, обрў-эътибори фирибгарлик дея номланмиш иллат туфайли бир зумда қолган бой берилди. Осон йўл билан даромад топаман деб, бировларнинг мол-мулкига қўз олайтириш эса охир-оқибат юқоридagi воқеада баён этил-ганидек, аянчи яқун топади.

Машина эгасига қайтарилди

"Тик"сини сотганидан сўнг янги машина олиш илжинида юрган Бахтиёр, аввалига банкдан кредит олиш орқали масалани ҳал қилмоқчи бўлди. Бироқ, кейинчалик қаро-ридан қайтиб, машина бозорини айланди. Кўнғилмагиси учрамагач, озроқ сабр қил-моқчи эди, бир таниши Зоминла яшовчи Абдибек ахши машина топиб бериши мум-кинлигини айтиб қолди. Тез орада учра-шишди. Дарҳақиқат, Абдибекнинг укаси Раҳматилла "Калина" русумли машинасини сотмоқчи бўлиб юрган экан.

Машина Бахтиёрга маъкул бўлгач, нархини сўради. Бироз савдола-шиб, 8300 АҚШ долларга баҳолаш-ди. Бахтиёр Раҳматилла келолмаганлиги са-бабли, 2300 АҚШ долларини Абдибекка бер-ди-да, қолганини 4 ой ичида тўғрилаб бери-шни ваъда қилди. Иш деярли битган бўлса-да, у машинани олиб кетолмади. Энди Раҳматил-лани куттиш қолганди. Уч кундан кейин Раҳма-тилла етиб келиб, Бахтиёрнинг номига ишонч-нома берди. Шундан кейингина хотиржам бўлган Бахтиёр машинани ҳайдаб, уйига кет-ди. Аммо унинг хотиржамлиги узоққа чўзил-мади.

Орадан бир ой ҳам муддат ўтмасдан Абди-бек унга қўнғироқ қилиб, укаси пулнинг қол-ганини сўраётганини айтиб қолди. Бахтиёр ана пул қидиришга тушди. Ундан-бундан қарз-ҳаво-ла қилиб, бўлиб-бўлиб бўлса-да, пулнинг қол-ган қисмини олиб бориб берди.

Икки ойлардан кейин эса қарзларини тўлай олмаганлиги сабабли машинани сотмоқчи бўлди. Бироқ, машина ўзининг номига тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги туфайли сотиш мумкин эмас эди. Энди у Раҳматиллани қиди-ришга тушди. Аммо Раҳматилла ҳеч тўтқиб бер-май, ҳали уни, ҳали буни баҳона қилиб, уч-рашишни пайсалга солаверди. Устига-устак

Баҳром ЯКУБОВ,
Янгиер шаҳар прокурори ёрдамчиси

ўша кунларда Бахтиёр эшитган яна бир хабар ўлганининг устига тепгандек бўлди. Маълум бўли-шча, Раҳматилла бундан икки йилча аввал ма-шинасини бошқа бир одамга сотиб, пулини ол-ган, у одамнинг судга берган аризасига қўра, суд томонидан унга берилган ишончнома бекор қилинган экан. Бахтиёр қийин аҳволда қолган эди. Биринчидан, машина ҳали унинг номига тўлиқ расмийлаштирилмаган. Иккинчидан, пу-лини тўлиқ тўлагани боис, энди собиқ эгаси-дан қайтариб олиш муаммоси қўндаланг турар-ди. Агар машинани сотаман деса, яна ўша ҳуж-жат муаммоси...

Ўй, Раҳматилла ундан олган пулларни тўлиқ қайтариб берди. Ундан икки йилча аввал маши-нани сотиб олган шахс эса, Холмурот исми таниши бўлиб, у ўшанда Раҳматиллага 9 минг АҚШ доллари берган ва нотариус орқали олди-сотди шартномасини расмийлаштирган экан. Бироқ, ўша маҳалда машинани Раҳматилланing акаси бошқариб юрганлиги, шунинг учун озроқ куттишни илтимос қилишганлиги сабабли, сабр қилишдан ўзга чораси қолмаган экан. Аксига олиб, айнаи ўша кезде бир баҳонаи сабаб Хол-мурот қамалиб қолади ва машина ўз-ўзидан Раҳ-матиллага қилиб кетади. Раҳматилла бўлса бун-дан унумли фойдаланади...

Ҳақ жойида қарор топди. Машина Х.Турсун-матовга қайтарилди. Оворагарчиликларнинг са-бабчиси бўлиши Р.Абдураззоқовга эса суд то-монидан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

«Фойда минтақаси» ва «зарар бекати»

Фойда ва зарар. Бир-бирига тамоман зид икки минтақа. Ҳозор муаммолари ана шу минтақалар оралиғида ҳаракатланади. Учинчи кутб йўқ. Фақат оралик ма-софалар ва бекатлар бор. Яъни, амалга оширилаётган бирор-бир ҳаракатдан фойда келмаслиги, шу билан бирга зарар ҳам етмаслиги мумкин. Фақат шу-нисни аниққи, ҳеч ким ўз за-рари томон ҳаракат қилмайди. Бу инсон табиятига зид.

Фойдадан зарар келиб чи-са-чи? Яъни фойда олувчи ки-шининг ҳаракати кимнингдир зарар кўриши ҳисобига қурил-са-чи? Бу энди мазкур шахснинг йўлдан адашганилиги ва жиноят бекати томон бораётганлигини кўрсатади.

Мана бир мисол: Фойда мин-тақаси томон бораётган Лайло Жўраева (исм-фамилиялар ўзгартirilган) йўлда Муяссар Бекмуродовани ўратиб қолди. Улар кўлдан бери таниш эди-лар. Ўзбекистон кўчасидаги ул-гуржи бозорда Лайлонинг қизи Шахло ҳам савдо қиларди. Му-яссар ана шу қиз орқали Лайло билан танишган.

Ўша кунларда Ўзбекистон кўчасидаги "Шохбекат" бозори-да таъмирлаш ишлари борди-лар. Муяссар савдо қилиш учун ана шу бозордан жой олиш та-раддудида юрганлигини айтиб, Лайлодан маслаҳат сўради.

— Бир танишим бор, — деди Лайло, — юқорироқ идоралар-дан бирида ишлайди. Ўша ор-қали жой олиб беришим мум-кин.

— Қанча бўлади?

— Дўкон олиб беришим 600 минг сўм бўлади.

— Менинг бунча пулим йўқ. Лекин сизга бозордан жой олиш ниятида юрган бошқа кишилар-нинг пулини олиб келсам, шу-нинг эвазига дўкон олиб бера-сизми?

— Икки кишидан пул йиғиб келсанг, ўзингники текинга ту-шадди. Ўз жибимдан олиб бе-раман. Ҳаракат қилвер.

Муяссар шу кунбег Лайло билан Кувондиқова деган танишники-га йўл олди ва мақсадини айт-ди:

— Дугонажон, мен ҳозирги-на Лайло исмли танишим орқа-ли "Шохбекат" бозоридан ўрта дўкон олдим. Лайло опага ҳар бир дўкон учун 600 минг сўмдан



бердим. Агар хоҳласанг сизга ҳам олдириб бераман.

— Лайло деганингиз ким ўзи?

— Сўради Муҳаббат.

— Лайло опа катта одам. У киши танишлари орқали кўпгина одамларнинг ҳолатини чиқармоқдалар. Ҳозиргача 30 кишидан пул олиб, уларнинг ҳар бирига биттадан дўкон олиб бер-дилар. Сиз ҳам жойлик бўлиб қоласиз.

Кўп ўтмай Муяссар дугонасида 1 млн. 200 минг сўмни санаб олди. Вақт ўтаверди, аммо дўкон-лардан дарак бўлмади. Ташвиш-ланиб қолган Муҳаббат Кувонди-қова нима гапни билиш учун дугонасиникига борди.

— Кутиб туринг, — деди Му-яссар, — сизга пул беринг де-маганман. Ўзингиз берганиз.

Муҳаббат кутишни истамади. Танишларидан қарз олиб бер-ганилигини айтиб, пулини қис-тайверди. Муяссар турли хил баҳоналарни рўқач қила бошла-гандан сўнг унинг уйига Махбу-ба Рўзиева билан бирга борди. Бу аёл дўкон олиш учун 400 минг сўм берган, қолганини кейинроқ, дўкон олгандан ке-йин беришни ваъда қилган эди.

Улар пуллари талаб қила-вергач:

— Юринлар, "Орзу" бозори-да ишлайдиган Лайло опанинг олдига борамиз, — деди Муяс-сар, — пуллари уша кишида. Олиб бераман.

Шундай қилиб, учала аёл "Орзу" томон йўл олишди. Лай-

ло Жўраева уларни кўчада ку-тиб олди:

— Бозор очилишини кутинг-лар. Ҳозир сизларга пуллари-ни қайтарга олмайман. Улар-ни шахар ҳокимиятидаги керак-ли кишига топширганман.

— Йўқ, пулимизни ҳозир бе-ринг, бўлмаса тегишли идора-ларга арз қиламиз.

Шундай бўлди ҳам. Пуллари-ни олишга кўзлари етмаган Муҳаббат билан Махбуба Қарши шаҳар ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилишди.

Хўш, узоқ йиллардан бери турли бозорларда савдо-сотик ишлари билан шугулланиб ке-лаётган бу фуқаролар Муяссар орқали Лайло Жўраевага бер-ган пуллари нима учун бун-чалик тоқатсизлик билан қайта-риб олмоқчи бўлдилар? Муяс-сарнинг ўзи ҳам нима учундир "одамлар пуллари сўрашап-ти, уларга дўкон олиб берайлик" деб ташвишга тушиб қолди?

Лайло Жўраева унга 10 кун ичида "Шохбекат" бозоридан жой олиб беришга ваъда қилган, аммо айтилган фурсат ўтиб бо-раётганига қарамай, ваздаси-нинг устидан чиқмаётган эди. Балки улар дўкон олиб беради деб ишонган кишиларнинг ўтмиш ҳаётдан хабардор бўлиб қолган ва энди бу аёлдан пули-мизни қайтариб ололмаймиз деб шубҳа қилган бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Зеро, инсоннинг ўтмиши кўп нарсани белгилайди. "Яхшидан

боғ қолади, ёмондан доғ" деган-ларидек, ҳар бир одам ҳалол меҳнат қилиб, номига доғ тушир-май яшаса, фақат ўзини эмас, атрофидагиларни ҳам ўйласа, улар учун жон куйдирса, бундай инсонлар эл-юрт ардоғида бўла-дилар.

Яхшидан боғ қолади, деган гапнинг маъноси гоҳида биз ўйлагандан анча кенг. Агар ин-сон ер олиб, дов-дарахтлар экиб, парваришласа ва бўш ётган майдонда қад кўтарган боғ ҳосил бериб, халқимиз дастурхонини тўкин қилиб турса, боғ яратган инсон оламдан ўтгандан кейин ҳам ўша эккан дарахтлари ту-файли унга "рахмат" ёғилиб ту-ради. Одамлар "фалончининг боғи" деб эслайдилар. Бу биз келтирган мақолнинг ўз маъно-си. Мақолнинг кўча маъноси шуки, одамлар томонидан қилingan барча эзгу ишлар улар-дан қолган боғдир. Чунки, бун-дай эзгуликлар ҳам худди ме-вали боғ каби узоқ йиллар ин-соният учун хизмат қилади, яъни ҳосил бериб туради.

Инсон ўз ҳаёти мобайнида қилган ёки қилаётган ишидан фойда олишни қўтиб яшаш ва шунга интилиши табиий ҳол. Юқорида келтирганимиздек, ҳеч ким ўз зарари томон қадам ташламайди. Фақат фойда ҳалол меҳнат эвазига келиши ва бун-дан ҳеч кимга зиён етмаслиги

Абдурайхон МУҲАММАДИЕВ,
Қашқадарё вилоят прокурори
ёрдамчиси
Низом ХОДЖАЕВ,
Миришкор туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

керак.

Агар Лайло Жўраева ўз ҳаёти-ни ана шундай қадриятлар асо-сида қуришга интилиб яшаган-да эди, бундай кўргуликлар бо-шига тушмаган ва у суд олдида жавоб бермаган бўларди.

Шуниси ачинарлики, Лайло Жўраева бир эмас, бир неча бор судланган. Дастлаб 1998 йил 13 августда Жиноят ишлари бўйи-ча Қарши шаҳар суди томони-дан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси бил-лан 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва ЖКнинг 72-модда-сига асосан шартли ҳукм қили-ниб, 2 йил синов муддати бел-гиланган эди. 1999 йил 14 июн-да «Амнияти тўғрисида»ги Фар-монга асосан жазодан озод этилган эди.

Шундан кейин, у 2001 йил ва 2009 йилларда ҳам икки марта судланди ва қилмишига яраша қонун доирасида жазо олди. Шунга қарамай, дўкон олиб бе-риш баҳонасида аёллардан жами 1 млн. 600 минг сўм пул ундириб, ваъдасининг устидан чиқмади.

Бу сафар Жиноят ишлари бўйича Миришкор туман суди-нинг очик суд мажлисида унинг жиноий иши кўриб чиқилди ва судланувчи Лайло Жўраевага жарима жазоси тайинланди. Мазкур воқеа тафсилоти ва кел-тирилган рақамлардан ҳам кўри-ниб турибдики, қингир йўллар орқали "фойда бекати"га томон ҳаракатланишни одат қилиб олган Лайло Жўраева фойда ўрнига зарар қўрди.

Дарҳақиқат, баъзи кишилар ҳаётини ана шундай ноқонуний йўллار билан қуриш мумкин деган ақида билан ашайдилар ва қаттиқ янглишадилар. Уларга тўғри йўл кўрсатиш, қилган ҳа-толарини тушунтириш ва мин-баъд бундай ишга қўл урмаслик-ни англаб олишларига кўмак бериш нафақат ҳуқуқни муҳо-фаза қилиш органларининг, бал-ки ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлмоғи керак.

Киш ойи бўлиб, нисбатан эрта қоронғу тушганга боис, икки оралиқ тўйхонага кириб келиш-ганида, тўйнинг деярли ярми ўтиб бўлган эди. Шундай бўлса-да, бир че-кага ўтириб, базми томоша қила бош-лашди. Бир маҳал кимдир Расул (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ни тўртган-дек бўлди. Қараса, ҳамқишлоғи Ўқтам, маст бўлса керак, бироз чайқалиб туриб-ди. Расул нима гапни сўрашга ҳам улгурмай, Ўқтам "ташқарига чиқ" деган-дек, боши билан кўча томонга ишора қилди. Расул ноилоҳ ўронидан турди. У ташқарига чиққанда Ўқтам бир четда қовоғини солганча, ўқрайиб турарди.

— Ҳа, нима гап? Тинчликми?

— Тинчлик бўлганда-ку, қақирмасдим-а! Менга қара, сен нимага почамнинг уқасини сўқдинг?

— Бу нима деганинг? Қачон сўқибман?

— Гапни айлантирмай жавоб бер, нимага сўқдинг?

— Эсинг жойидими? Нега ўзимдан ўзим сўқаман? У билан уришиб-талаш-маган бўлсам... Ке, қўй, шунақа гаплар-ни... — Расул шундай дея энди тўйхона томон бурилган ҳам эди, Ўқтам унинг йўлини тўсди:

— Тўхта, нимага сўқганингни айтма-гунингча ҳеч қаёққа кетмайсан. Нима, мени ёш бола деб ўйлаясанми?

— Ўқтам, сенга неча марта айтишим керак ўзи, уни сўқганим йўқ. Ишонма-санг, ўзидан сўраб кўр.

— Гап йўқ, ҳозирок сўрайман. Теле-фонингнинг бериб тур. Почкамга кўн-гирок қилиб, уқасини шу ерга қақиртира-ман.

Нафс домида

Абдурайим АБДУНАБИЕВ,
Оҳангарон туман прокурори

— Телефоним ўртоғимда эди, ҳозир, — Расул шундай дея шу атрофда юрган болалардан ўртоғини қақириб бериш-ни сўради. Ўртоғи келгач, ундан теле-фонни олиб, Ўқтамга тўтқазди. Ўқтам икки-уч марта кимгадир кўнгирик қилиб қўрди, бироқ у ердан жавоб бўлмади.

— Аксни қара, — деди у жажл билан, — керак пайтда ҳеч ким билан гаплашол-майсан ҳам. Бўпти, поччамникига бора-миз, кетдик.

У шундай дея йўл бошлади. Расул ноилоҳ унга эргашди. Йўлда телефони-ни қайтариб беришни сўраган эди, Ўқтам индамай телефони ўчирди-да, чўнтагига солиб қўйди. Унинг бу қили-гидан ҳайрон бўлган Расул яна бир неча марта сўради, аммо Ўқтам индамай йўл-да давом этаверди. Ахирини, тўхтади-да, "Телефоним бермайман, орқанга қараб кетавер" деди совуққонлик билан. Расул нимаям қила оларди. Бироз қўтиб

турди-да, ортига қайтди.

У тўйхонага қайтиб келганидан кейин кўп ўтмай Ўқтам пайдо бўлди. Расул яна унинг олдида бориб, телефони нима сўради. Ўқтам жавоб бермай, почасининг шу атрофда юрган бошқа уқасини қақириб, Расул уни сўққан-сўқмаганилигини сўра-ди. Илгитча бу гапдан беҳабарлиги айта-гач, унга жавоб бериб юборди-да, "Ай-бининг ҳозир исбот қиламан", дея ич-карига кириб кетди. Бу ерда уни қўтиб тураверишдан фойда йўқлигини, теле-фонини барибир қайтариб ололмасли-гига кўзи етган Расул, бир оғайниси билан уйига қайтишга мажбур бўлди. Йўлда, икки уч нафар ҳамқишлоқлари-ни ўчратдиши. Улар бўлган воқеадан хабар топиб, биргаликда тўйхонага қай-тиб келиши-да, Ўқтамни топиб, теле-фонни қайтариб беришни сўрашди. Бироқ у қайсарлик билан "йўқ" деб ту-риб олди. Ночор орқага қайтишди.

Расул уйига яқин қолганда қариндоши Санжар ақани қўриб қолди-ю, энди ундан нажот қўтиб, телефон ҳақида айтиб берди. Яна ортга қайтишди. Улар Ўқтам-ни учратганларида, у уйига қайтаётган экан. Ўқтам бу сафар усталик қилди, Сан-жар акага телефони бир танишига бер-ганлигини айтиб, эртасига олиб бериш-ни ваъда қилиб, жуфтқачи ростлади.

Эртаси куни бир оғайнисининг уйи-га кетаётганида таниш йигитлар тўхта-тишди. Гап орасида Ўқтам уларга соти-ладиган телефон борилигини айтган эди, йигитлардан бири нарҳини сўради. Бироз савдоллашгач, телефон 60 минг сўмга сотилди. Ўқтам пулни ёнига со-либ, уйига қайтди. Бироздан кейин

компьютерхонага чиқиб, анча вақт ўша ерда бўлди. У уйига келганида ақаси қаёққадир кетган, ота-онаси эса ўзла-рининг хоналарида экан. Бир четда ўти-рганча, хомчўт қилиб кўрса, телефони пули кўлга етмас экан. Шунинг учун та-ваккал деди-да, молхона томонга ўтиб, ақасининг ситирини етаклаганча кўчага йўл олди. "Қамида ярим миллионга ке-тади. Буни эртга ҳал қиламан", у шун-дай ҳаёллар билан ситирини уйлари-га яқин ердаги эски мактабгача ҳайдаб бориб, ўша ерга боғлаб қўйди. Шу пайт Санжар акага телефони қайтариш ҳақида ваъда бергани ёдига тушиб, у билан учрашишга жўнади. Дарҳақиқат, уни қўтиб туришган экан, дарҳол теле-фонни сўрашди. Яна алдашга тушган ҳам эди, кимдир уни отаси қақирётганини айтиб қолди. Ўқтам телефони эртаси кунчи, албатта, қайтаришини айтиб, уйи томон йўл олди. У ичкарига кирганида, ситир ховлидаги бир дарахтга боғлан-ганча турарди. "Оббо, буним топишиб-ди-да! Шунча пулдан қуруқ қолдим-а!" Ўқтам уйдагилар қўриб қолмаслиги учун секингина ўзининг хонасига кириб, ўх-лашга ётди. Ухлаган экан, уйғотишди. Ташқарига чиққанда уни милиция хо-димлари қўтиб туришарди...

Осонлик билан бойишга ундайдиган нафси 22 ёшга тўлмасданок, уч марта судланшига улгурган йигитни яна суд-нинг қора қурсисига бошлаб келди. Иш материаллари билан танишиб чиққан суд ҳайъати бу сафар Ўқтам Саидовга қатъ-ийроқ чора қўришни лозим топиб, унга олти йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.



“Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки жамоаси мамлакатимиздаги барча қалам аҳли – журналистлар, матбаачилар ва нашриёт ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этади.

Хурматли мижозлар!

“Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки Сизларга “Интернет-банк”, “SMS-банк” ва “SMS - TO'LOV” хизматларини таклиф қилади.

“Интернет-Банк” — Интернет тармоғига уланish мумкин бўлган ҳар қандай жойдан туриб мижозларга кенг қамровли банк хизматлари кўрсатиш технологиясидир.

“Интернет-Банк” хизмати орқали ташкилотингизнинг раҳбари ёки бухгалтери ўз иш жойида турган ҳолда:

- ✓ **тўловларни ўтказиш;**
- ✓ **ҳисоб рақамингизга келиб тушаётган маблағлар ҳақида маълумотлар олиш;**
- ✓ **ҳисоб рақамидан ўтказилаётган маблағларни назорат қилиш;**
- ✓ **барча зарур ҳисоботларни олиш мумкин.**

“SMS-банк” — хизмати мижозга масофадан туриб уяли телефон орқали SMS хабари алмашиш асосида хизмат кўрсатиш имкониятини яратлади.

“SMS-банк” — Сизга ҳисоб рақамингиздаги ҳар бир банк амалиёти тўғрисида хабар беради.

“SMS-банк” хизмати орқали Сиз куннинг ҳар қандай соатида, ҳатто дам олиш ва байрам кунларида ҳам ҳисоб рақамингиздаги маблағларнинг қоллиги тўғрисида маълумот олишингиз мумкин.

“SMS — TO'LOV” — банк хизмати борасида ўзига хос янгилик бўлиб, “Микрокредитбанк” билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг лойиҳаси ҳисобланади.

“SMS — TO'LOV”га уланish учун мижоз банкка келиб, уяли телефонида тайёрланган электрон рақамли имзо калити бўлган махсус дастурни ўрнатади. Бунда тўғридан-тўғри уяли телефон орқали банк ҳисоб рақамидан транспорт ўлқираси, дўкандан сотиб олинган маҳсулотлар учун, шунингдек, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш имкони яратилади.

БАНКИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНИНГИЗ УЧУН АВВАЛДАН МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАМИЗ.

Хизматлар лицензияланган.

Қонун устуворлиги таъминланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Андижон вилоят бошқармаси томонидан Республика Президентининг Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан чиққан ҳолда солиқ интизомини мустаҳкамлаш, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш, вақтида тўланмаган тўловларни, давлатга етказилган зарарларни ундириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаб даромад олаётган шахсларни аниқлаш, акция солиғи солинадиган товарларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва муомалага қилиниши ҳамда валютага оид жиноят ва қонунбузилиш ҳолатларига қарши курашиш борасида ҳудуддаги иктисодий-ижтимоий вазият, қонунчилик аҳолидан келиб чиққан ҳолда тузилган режавий тадбирларга асосан муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бошқармаимиз томонидан 2011 йилнинг 5 ойи мобайнида фуқароларнинг ҳамда давлат ва барча мулк шаклидаги ҳўжа-лик юритувчи субъектларнинг қонун билан кафолатланган манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизнинг иктисодиёт асосларига қарши содир этилган қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган 181 та текшириш ва тезкор тадбир-

лар ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 176 та жиноят ишлари кўзга тутилди, 5 та ҳолатда 6 нафар шахсларга нисбатан маъмурий ишлар юритилди.

Қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ўтказилган текширишлар ва тайинланган ҳўжатли тафтишлар натижасида жорий йилда бюджетга 10 млрд. 596 млн. 600 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 1 млрд. 987 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди. Шунингдек, нақд пул муомаласига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларда нақд пул маблағлари айланишининг қонун ҳўжатларида белгиланган тартиби бузилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ноқонуний товар айланиши, ҳисобга олинмаган маҳсулотларнинг сотуви орқали маблағларнинг нақд пулга айлантириш, уларнинг механизми ва каналларини аниқлаш борасида мавжуд бўлган тезкор маълумотларга асосан ўтказилган тадбирлар натижасида 23 та ҳўқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, барчаси бўйича жиноят ишлари кўзга тутилди. Ҳўқуқбузарлик ҳолатлари бўйича жами 27 млрд. 211,9 млн. сўмлик ноқонуний товар пул айланимлари аниқланди.

Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган 5 ойида фуқаролар томонидан валюта қимматликларини ноқонуний равишда олиш ва сотиш билан боғлиқ 25 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ҳўқуқбузарлардан

жами 63 921 АҚШ доллари, 72 145 қирғиз соми, 126 750 Россия рубли ва 18,5 млн. ўзбек сўми ашёвий далил сифатида олиб қўйилиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Масалан, бошқарма ходимлари томонидан ўтказилган тадбир натижасида Андижон шаҳар “Янги бозор” ҳудудига фуқаролар Х.Ҳожиёв ва Х.Эгамовлар ноқонуний равишда харидор Ф.Усмоновга 3200 АҚШ доллари 7 млн. 712 минг сўмга сотган вақтида ушланиб, тадбир давомида жами 3322 АҚШ доллари ва 286 400 сўм пуллар ашёвий далил сифатида олинган. Мазкур ҳолат юзасидан фуқаролар Х.Ҳожиёв ва Х.Эгамовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми “б” банди билан қўзғатилган жиноят иши бўйича суднинг қонуний ҳўқми ўқилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ўтган давр мобайнида коррупциянинг оғир кўриниши, яъни порахўрлик жинояти билан боғлиқ 11 та жиноят иши кўзга тутилди.

Бошқарма ва Асака туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбир натижасида Асака тумани “Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш” маркази нозирлари М.Абдурашулов ва А.Сулаймоновлар ўзаро тил бириктиришиб, Асака туманидаги “Деватаги” ва “Қорақай” маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган текширишда аниқланган камчиликларини маълум-

Эркинжон ХОЛМАТОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Андижон вилоят
бошқармаси бошлиғи

мотномада ёзмаслик эвазига “Деватаги” маҳалла фуқаролар йиғини котиби Қ.Қамоловадан 200 минг сўм, “Қорақай” маҳалла фуқаролар йиғини котиби Н.Исмоиловдан 150 минг сўм пора олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан марказ нозирлари М.Абдурашулов ва А.Сулаймоновларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзга тутилди, суд ҳўқми билан тегишли жазосини олишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги “Алкогол маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ни янада тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 605-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги “Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини қўчайтиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 24-сонли Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, спиртли ва алкогольли маҳсулотлар савдоси билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар назоратга олинган ҳолда тезкор қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 5 ойида бошқарма томонидан ушбу йўна-

лишда ўтказилган тадбирлар натижасида 10 та ҳўқуқбузарлик аниқланиб, барчаси бўйича жиноят ишлари кўзга тутилди. Ҳўқуқбузарлардан 8 млн. 983 минг сўмлик спиртли ичимликларини далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Мисол учун, Ҳўжабод туман бўлими томонидан ўтказилган тадбир натижасида, Булоқбоши туманида яшовчи фуқаро Р.Қамолова харидор С.Ша-рофутдиновга қўлбола усулда тайёрланган 150 шиша ароқ маҳсулотларини 360 минг сўмга сотаётган вақтида ушланди. Су-риштирув олди ҳаракатлари натижасида спиртли ичимликларини Р.Қамолова фуқаро А.Бабаходжаевдан сотиб олганлиги, ушбу маҳсулотларни фуқаро А.Бабаходжаевнинг акиси Баба-ходжаев Азиз ўз хонадонидидаги билан жиноят иши кўзга тутилди, суд ҳўқми билан қонуний чоралар кўрилди.

Жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролар ўртасида қонунларнинг тарғиб қилиниши, жиноят учун жазо муқаррарлиги тушунчаси шакллантирилиши асосий ўрин тутди.

Бу борада 2011 йилнинг ўтган даврида жойларда 1432 мартаба ҳўқуқ-тарғибот ва тушунтириш ишлари ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиб келинди. Жорий йил май ойининг ўзида бошқармада тузилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги кишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида 19 мартаба учрашувлар ўтказилди.



«АСАКА» БАНК (ОАЖ) ЖАМОАСИ

*27 июнь — Матбуот ва
оммавий ахборот воситалари
ходимлари кунини муносабати билан соҳа
заҳматкашларини чин дилдан муборакбод этади.*



Шиддат билан ўзгариб бораётган
замонамизда эркин сўзни, ҳолисона
ахборотни, қонунлар моҳиятини кенг
жамоатчиликка етказиш газета ва журнал,
радио ва телевидениеда хизмат қилаётган
фидойи журналистларнинг юксак маҳорати
билан чамбарчас боғлиқдир. Сизларнинг ана
шундай эзгу ишларингизга мубаффақият,
оилангизга тинчлик ва хотиржамлик,
динингиздаги эзгу умид ва орзуларингизнинг
рўёбга чиқишини тилаймиз!